

# АДОЛАТ

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 7 (1071) • 2016-yil, 12-fevral, juma

## СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Президентимиз Ислам Каримов раислигида 11 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Давлатимиз раҳбари Жамғарма ташкил этилганидан буён, хусусан, 2015 йилда амалга оширилган ишлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида атрофлича фикр юритди.

— Биз катта орзу-ниятлар билан 2002 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этган эдик, — деди Юртбошимиз. — Мана, орадан 14 йил ўтди. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун биз нафақат 2015 йилда, балки ана шу ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизга ҳам тўхталасак ўринли бўлади. Болалар спортини ривожлантириш, уни давлат сиёсати даражасига кўтариш мақсадида махсус Жамғарма ташкил қилиб, ўз олдимишга қўйган вазифаларни адо этишда биз нималарга эришганимиз ҳақида, қандай ҳулосалар чиқаришимиз зарурлиги ҳақида гаплашиб олсак, айтиш мумкин бўлар эди.

**Биринчидан**, фарзандларимиз, ёш авлодимишни болалигидан бошлаб спорт билан ошно қилиш, уларнинг қалбида спортга ҳавас ва меҳр уйғотиш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашни мақсад қилиб Жамғарманинг асосий вазифаси сифатида тасдиқланганлигини ҳаммамизга яхши маълум. Фарзандларимизни болаликдан — асосан мактаб ёшидан бошлаб спортни ўзининг ҳаётдаги доимий хамроҳи деб билиши, улар умрбод спорт билан дўст бўлиб қолиши, бунинг учун барча шароит ва имкониятларни барпо этишни ўзимизга мақсад қилиб қўйган эдик.

Мажлисида шу борада мамлакатимизда эришилган натижалар аниқ рақам ва мисоллар асосида кўрсатиб ўтилди.

2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар тегишли равишда 57,2 фоиз ва 56 фоизни ташкил этгани қайд этилди. Бундай мисоллар мамлакатимиз бу борада катта ўсиш ва ўзгаришга эришганидан яққол далолат беради.

**Иккинчидан**, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли ишларимиз натижасида ўғил-қизларимиз мунтазам шуғулланганидан спорт турларининг сони кескин равишда ошиб бормоқда. Масалан, айтиш мумкин бўлган 2005 йилда 43 турдаги машғулотларга қатнаган бўлса, бугунги кун-

да улар 59 спорт тури билан шуғулланаётгани бу соҳадаги ютуқларимиз нафақат сон жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ҳам ўсиб бораётганини кўрсатади.

Айниқса, фарзандларимиз биз учун мулақо янги бўлган бадний гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис, таэквондо, дзюдо, каратэ, ватерпол, эшакка эшиш каби спорт турлари бўйича мунтазам шуғулланаётгани, қитъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, юқори шохсупаларга кўтарилаётгани ҳар қандай одамни хайратда қолдиради, деди Президентимиз.

Илгари бугунгидай замонавий сузиш ҳавзалари, теннис кортлари ёки гимнастика заллари етти ухлаб тушимизга ҳам кирмас эди. Мисол учун, сузиш деганда, ариқ ёки каналларда, оддий санитария талабларига ҳам жавоб бермайдиган лойка сув ва ҳовузаларда чўмилишни тасаввур қилар эдик. Бунинг оқибатида республикамиз аҳолиси, энг ёмони, болалар ўртасида оғир касалликлар ниҳоятда кўпайиб кетгани, оналар ва болалар ўлими бўйича Ўзбекистон собиқ иттифоқда энг олдинги ўринларда тургани ҳам кечаги тарихимиздан яхши маълум.

Мустабил тузумдан мерос бўлиб қолган ана шундай оғир вазият туфайли 2000 йилда ҳар 100 минг боланинг 6 мингга яқини ўткир респираторли вирусли инфекцияларга, 576 таси пневмония, 449 таси бронхит, 310 таси сколиоз касаллигига чалинган эди.

Кейинги йилларда кенг қўламдаги иқтисодий, ижтимоий, маънавий, тиббий ва бошқа чора-тадбирларни изчил жорий этиш, болалар спортини тизимли асосда ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларимиз натижасида бугунги кунга келиб спорт билан шуғулланганидан 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларимиз ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекциялар билан касалланиш 47,3 фоизга, пневмония бўйича 55,6, бронхит бўйича 61,7, сколиоз бўйича 45,5 фоизга камайгани биз эришган энг муҳим натижа сифатида албатта барчамизни қувонтиради, деб қайд этди Ислам Каримов. Бундай ижобий ўзгаришларни ҳар қайси ота-она ўз оиласи, ўз фарзандлари мисолида кўриб, спортнинг бу борадаги таъсири ва аҳамиятини тобора чуқур англаб етмоқда.

Давоми 2-бетда



## Фаолиятимиз мезони

очиқлик ва ошқоралик

### ➤ Матбуот анжумани

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши томонидан “Демократик ислохотлар жараёнида Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг ўрни” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, Марказий аппарати масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Матбуот анжуманидан кўзланган асосий мақсад партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг 2015 йилдаги фаолияти таҳлили, 2016 йилга мўлжалланган режалари ҳақида батафсил ахборот тақдим этиш ҳамда бу борада журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришга қаратилди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Наримон Умаров тадбирни кириш сўзи билан очар

экан, мамлакатимизда “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида сўнгги йилларда миллий қонунчилигимизга киритилган янгиланишларга мувофиқ сиёсий партияларнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўтган ўрни ва роли ошганлиги, ваколатлари янада кенгайганлигини таъкидлади. Айниқса, конституциявий ислохотлар асосида парламент палаталари ҳамда маҳаллий вакилик органларидаги депутатлик бирлашмаларининг ваколатлари кенгайтирилгани бевосита жойларда Давлат дастурлари ҳамда ҳудудлар-

ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросига самарали таъсир ўтказиш, бу борада парламент ва депутатлик назоратини ўрнатилиши муҳим ўрни тутаётганига иштирокчилар эътиборини қаратди.

Партия раҳбари 2014-2015 йиллар Ўзбекистон “Адолат” СДП учун мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ўрнини мустақамлаш имконини берганлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, 2014 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган сайловлар натижасида партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 20 нафар депутатдан иборат фракциясини шакллантирган бўлса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлари сони 834 нафарга, яъни сал кам 2 баробарга кўпайганлигини эътироф этди.

— Ўтган йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг фаолияти асосан қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлилий ҳамда сайловчилар билан учрашувлар каби йўналишларда олиб борилди, — дейди фракция аъзоси Акмал Бур-

ханов. — 2015 йилда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг тегишли моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси ўзини парламентдаги кўпчилик ҳисобланган “Демократик кучлар блоки”га нисбатан муҳолифат, деб эълон қилганлиги ҳам муҳим воқеалик бўлди.

Ўтган йил давомида фракциямиз томонидан қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган 40 дан ортиқ йиғилиш ўтказилиб, уларда 50 дан ортиқ қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Қонунчилик фаолиятида фракциядошларимиз 26 та қонун лойиҳасига масъул бўлдилар, 7 та қонун лойиҳасига ташаббускор бўлиб, қонун лойиҳасини такомиллига етказиш, муҳокамаларга тайёрлаш жараёнида ҳамда қўмита, фракция ва палата йиғилишларида маъруза қилдилар.

3 ➤

### ➤ Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида палатанинг яқинда ўтказиладиган мажлиси кун тартибидан ўрин олган масалалар, жумладан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2015 йилдаги фаолиятига оид ҳисоботи кўриб чиқилди.

## Фуқаролар муурожаатларини ўз вақтида, сифатли кўриб чиқишда

мансабадор шахсларнинг масъулияти ошмоқда

Ҳисоботда 2015 йил мамлакатимизда муҳим сиёсий воқеаларга бой йил бўлганлиги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини энг муҳим сиёсий воқеа бўлгани, мазкур сайлов инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари олий кадрият ҳисобланган очик, ҳуқуқий, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида жамиятимизнинг янада жипслашганлигидан далолат берганлиги таъкидланди.

Шунингдек, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишдаги ҳамда конституциявий ҳуқуқи ҳамда сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилик ҳужжатларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган демократик

3 ➤

## Янги таҳрирдаги кодекс

тўғридан-тўғри амал қилади

### ➤ Депутат минбари

Мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш, бизнес юритиш шароитларини баҳолашнинг жаҳон амалиётида умумэътироф қилинган тизимни жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур чоралар аввало экспорт-импорт ва божхона тартиботлари самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз томонидан 2016 йил 20 январда тасдиқланган янги таҳрирдаги Божхона кодекси ҳам республикамиз ҳудудида божхона назорати, товар айланмаси, ташқи савдо операцияларини амалга ошириш, ички бозорни сифатсиз маҳсулотлардан химоя қилишни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади.

Янги таҳрирдаги кодексида 1999 йилги Божхона таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенция, 1990 йилда қабул қилинган Ватинча олиб кириш тўғрисидаги халқаро конвенция, Европа Иттифоқи ва МДХга аъзо мамлакатлар божхона кодекслари, шунингдек, миллий божхона қонунчилигининг стандарт ва нормалари ҳисобга олинган. Мазкур ҳужжатда божхона қонунчилигини қўллашни соддалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва “Бож тарифи тўғрисида”ги қонуни норма ва талаблари умумлаштирилди.

Янги Божхона кодексида товарни олиб киришдан то муайян божхона режимга жойлаштиришга қадар қўллаб масалалар тартибга солинди. Божхона органлари томонидан божхона брокери ва ташувчиси сифатида фаолият юритишга руҳсат берувчи ҳужжатлар бериш, божхона назорати остидаги товарларни сақлаш ва сотиш, уларни қайта ишлашга доир аниқ механизм белгилаб қўйилди.

4 ➤

### ➤ 14 февраль — Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллуд топган кун

Адолат тўғрисида



Мустақам салтанат яратган Амир Темури қонунчилиги ўзига хос бўлиб, бу XIV-XV асрлар тарихий ҳолатини ўзида акс эттиради. Биз у қонунларга фақат ўша давр талаби нуқтаи назари билан қарашимиз ва таҳлил этишимиз лозим. Бу, албатта, Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг ўз даври ва салтанатидаги қонунчиликка бўлган муносабатига ҳам дахлдордир.

8 ➤

## Меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ муносабатларда аввало инсон қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи устувор бўлиши керак

### ➤ Фракциялараро мунозара

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар замирида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, инсонпарварлик ҳамда ижтимоий адолат ғояси мужассамдир.

2 ➤

### ➤ Бугунги сонда:

#### Ишбилармонлик муҳити молиявий қўллаб-қувватланмоқда



#### Нафс қулига айланганлар халқнинг нафратига учрайди



#### Бахт нималигини билмоқни дунё биздан ўргансин



7 ➤



# Фаолиятимиз мезони очиқлик ва ошкоралик

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Ўтган йили фракциямиз ташаббуси билан юборилган парламент сўрови бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари амалиётда илк бор Ўзбекистон Республикаси кишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг "Ўзбекистонда сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш ҳолати ва унинг самардорлигини ошириш истиқболлари, кишлоқ хўжалиги корхоналарида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш тўғрисида"ги масала юзасида ахборотини эшитдилар.

Шу билан бирга, 2015 йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорий Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгаши сессияларида кўриб чиқиш учун Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳлари томонидан жами 15 та масала киритилиб, сессияларда 21 маротаба мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилди. Партия депутатлари томонидан турли масалалар юзасидан 726 та депутатлик сўровлари юборилиб ва уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов партия Сайловдони дастурига амалга ошириш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар Дастури асосида ўтган йилда партия ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар ҳусусида тўхталиб ўтди.

Кайд этилганидек, 2015 йил давомида партия аъзолари ҳамда БПТлари сон ва сифат

жихатдан ўсди, дастурий го-лар тарғиботи, юртимиз ва жа-хон миқёсида долзарб ахамиятга эга мавзулардаги тадбирлар кўпайди. Ушбу жараёнда партия сафидаги аёллар ва ёшларнинг фаоллиги ўсганлиги, айниқса, муҳимдир. 2016 йил 1 январь ҳолатига партия аъзолари сони 115 514 нафарга, БПТлар сони 3 374 тага етди. Аёллар сони 56 000 нафардан, 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 46 000 нафардан ошди. Йил давомида партиянинг марказий, худудий ва маҳаллий ташкилотлари томони-



дан турли йўналишларда жами 5 078 та тадбирлар ташкил қилиниб, уларда 334 174 нафар фуқароларнинг иштироки таъминланди.

— "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросида партия ташкилотлари фаол иштирок этди, — дейди партия Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим мудир Муҳаммадjon Жўраев. — Хусусан, республика миқёсида "Кексаларни эъзозлаш мукаддас бурчимиздир" номли ижтимоий акция асосида ўтказилган кенг қўламли тадбирлар, айниқса, самарали бўлди. Акция доирасида "Мурувват" уйлари қариялари, худудларда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳаллалардаги ёши улуг инсонларга эътибор кўрсатилди. Улар учун партия фаоли бўлган шифокорлар томонидан тиббий кўриklar ташкилланганлиги, саломатликларини мустаҳкамлаш бўйича амалий ишлар қилиниб ҳамда маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Партия мафқураси, мақсад ва вазифаларини келиб чиқиб, "Фикр — го — ҳаракат", "Ўзбекистон — инсон кадри жуамланган юрт", "Адолатчилар жамоатчилиги экспертизаси", "Соғлом оила — соғлом жамият

— порлоқ келажак", "Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари — олий кадрият", "Конституция — адолат мезони" каби 10 дан ортик ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилиб келинмоқда. Ушбу жараёнда партиянинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари ҳамда "Ёш адолатчилар" қаноти ва "Аёллар қаноти" аъзолари фаол иштирок этаётгани аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия депутатлари масъулиятига 12 та партиявий лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалиётга та-

вожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилишида атрофлича кўриб чиқилиб, "Ягона мактаб формаси" тажрибасини оммалаштириш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласи халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашининг IV сессиясида муҳокама қилиниб ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия депутатлари масъулиятига 12 та партиявий лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалиётга та-

вожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилишида атрофлича кўриб чиқилиб, "Ягона мактаб формаси" тажрибасини оммалаштириш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласи халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашининг IV сессиясида муҳокама қилиниб ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия депутатлари масъулиятига 12 та партиявий лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалиётга та-

вожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилишида атрофлича кўриб чиқилиб, "Ягона мактаб формаси" тажрибасини оммалаштириш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласи халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашининг IV сессиясида муҳокама қилиниб ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия депутатлари масъулиятига 12 та партиявий лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалиётга та-

вожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилишида атрофлича кўриб чиқилиб, "Ягона мактаб формаси" тажрибасини оммалаштириш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласи халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашининг IV сессиясида муҳокама қилиниб ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия депутатлари масъулиятига 12 та партиявий лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалиётга та-

вожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилишида атрофлича кўриб чиқилиб, "Ягона мактаб формаси" тажрибасини оммалаштириш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласи халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашининг IV сессиясида муҳокама қилиниб ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия депутатлари масъулиятига 12 та партиявий лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалиётга та-

# Фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида, сифатли кўриб чиқишда мансабдор шахсларнинг масъулияти ошмоқда

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Кайд этилганидек, 2015 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил номига фуқаролар, хорижий давлатлар фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, нодавлат ногижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан жами 12 373 та мурожаат келиб тушган. Омбудсманнинг марказий идорасида ўтказилган шахсий қабул давомида 1690 та, минтақавий вакиллари томонидан эса 365 та мурожаат қабул қилинди. Мурожаатларнинг 1231 таси овозаки, 323 таси электрон шаклда келиб тушган.

Бундан олдинги ҳисобот даврига нисбатан "мурожаатларнинг умумий сони", "шахсий қабул вақтида берилган мурожаатлар сони" каби кўрсаткичларнинг статистик жиҳатдан ўсиши аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошгани, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданияти юксалгани ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш тизимидаги роли ва ўрни мустаҳкамланганини кўрсатади.

Олдинги кўрсаткичларга нисбатан таққосланганда, тақрибий мурожаатлар сони учдан бир қисмига қисқарганлиги давлат бошқаруви органлари мансабдор шахсларнинг аризончалар мурожаатларини ўз вақтида, сифатли ва ҳолисона кўриб чиқиш учун масъулияти ошганини далолат беради.

Умуман, Омбудсман томонидан мурожаатларда келтирилган важар асосли ва ўз тасдиқини топанлиги муносабати билан 778 та мурожаатлар қаноатлантирилган, қолган 213 та мурожаатларни ўрганиш жараёни давом этмоқда.

Омбудсманнинг ҳисоботи юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари партия Сайловдони

дастурида белгиланган адолатлик гоёси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш "Адолат" партиясидан сайланадиган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналиши эканлигини таъкидлаган ҳолда Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан фаолиятини ижобий баҳо беришди.



Мақсуд ҚУРБОНБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Муҳокама жараёнида фракциядошларимиз томонидан фуқароларнинг адолатли меҳнат шароитларида бўлган ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги фаолиятга алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидлашнинг, Вакил номига ушбу соҳага доир жами 122 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларни ўрганиш давомида аниқлаштириб, 80 та ҳолатда аризончалар ҳуқуқларининг бузилиши, асоссиз ишдан бўшатилиши ёки эгаллаб турган лавозимидан четлатилиши, иш ҳақини тўлашдаги кечикишлар кузатилади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш якунлари бўйича 121 киши ўз иш жойига тикланган бўлса, 36 нафар фуқаролар манфаатини қўлаб фуқаролик ишлари бўйича судларга иш ҳақи ва етказилган моддий за-

рарни ундириш бўйича 5 та даъво аризаси киритилган. Бундан ташқари, 82 нафар фуқарога иш ҳақи ундирилиши таъминланди.

Шу билан бирга, Омбудсманнинг ҳисобот давридаги қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишдаги фаолияти ҳам диққатга сазовор. Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида"ги, "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонунларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жамият кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларга Вакил томонидан таклифлар тақдим этилди.

Бундан ташқари, Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этганини кузатиш мумкин.

"Адолат" СДП Сайловдони дастурида давлат фуқароларининг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолати бўлиши лозимлиги белгиланганидан келиб чиқиб шунини айтиш мумкин, ушбу жараёнда Омбудсман жамиятимиз ҳаётининг янада тараккий этишида муҳим аҳамият касб этганини за-рур.

Қизғин муҳокама ва савол-жавоблардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

Илёс САХАТОВ, «Adolat» мухбири

# ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК АСОСИ

2016 йил —

Соғлом она ва бола йили

Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли поликлиникада "Соғлом оила — соғлом жамият — порлоқ келажак" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, халқ депутатлари Тахтакўпир тумани Кенгашига "Адолат" социал-демократик партиясидан сайланган депутатлар, тиббиёт ходимлари иштирок этди. Унда Президентимиз раҳнаомлигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самардорлигини юксалтириш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорлари бу борада муҳим омил бўлаётди.

Туман аҳолисининг 600 га яқини туғруқ ёшидаги аёллар бўлса, 10 минг 500 га яқини 14 ёшгача бўлган болалардир. Уларга тумандаги тиббиёт бирлашмаси, марказий поликлиника ҳамда 9 кишлоқ врачлик пункти тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан партиянинг туман кенгаши иш-режаси асосида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Тахтакўпир тумани кенгаши раиси ўринбосари Гулистон Зарликова. — Мутахассислар билан ҳамкорликда оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳусусида атрофлича маълумот берилаётди.

Тадбирда аҳоли, айниқса, уйда бола тарбияси билан банд бўлган аёлларнинг тиббий маданиятини ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳолатини доимий мониторинг қилиш бўйича фикр алмашилди.

А.ОРТИҚБОВ, ЎЗА мухбири

# Партиядошимиз ютуғи

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг "Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Камолот стипендияси" танловини ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, республикамиздаги олий таълим муассасалари талабалари (бакалавр, магистр)га ўзлари таҳсил олаётган ўқув юрлари ёки худуд (туман, шаҳар, вилоят)да "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини самарали ташкил этишдаги ташаббускорлиги, Ҳаракат томонидан амалга оширилган лойиҳаларда иштирок этиб, фахрли натижаларга эришган ёшларни рағбатлантириш мақсадида "Камолот стипендияси" танлови эълон қилинган эди.

# "Ёш адолатчилар"

хар соҳада етакчи

Жорий йилда мазкур танловда олий таълим муассасаларидан 311 нафар талаба иштирок этиш учун мурожаат қилган эди. Яқинда танловнинг Республика комиссияси томонидан иштирокчилар тўплаган баҳолари бўйича сараланиб, 75 нафар талаба ушбу стипендияга сазовор бўлишди.

Ана шу 75 нафар талаба орасида Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона шаҳар кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти етакчиси Мафтуна Якубова ҳам борлиги бизни қувонтирди.

"Биз — ёшларга мамлакатимизда яратилаётган имкониятлар чексиз. Улардан оқилона фойдаланиш эса биздан байраб ва меҳнатсеварликни талаб этади. Бугунги ҳаракатларимиз эртанги келажатимизни бунёд этади, — дейди стипендия соҳибни М.Якубова. М.Якубова шаҳар партия кенгашининг "Ёш адолатчи-



Комила ИСРОИЛОВА, Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

лар" қаноти етакчиси сифатида 2014 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. У айна пайтда Фарғона политикалини институти 4-босқич талабаси. Мафтуна партиянинг турли лойиҳалари ва акцияларини амалга оширишда, ёшлар билан биргаликда тадбирлар ва

давра суҳбатлари уюштиришда ҳаминша бош-қош. "Ёш адолатчилар" қаноти хар жабҳада ёшларга ўрнатилмоқда.

# АДОЛАТнинг буюк куйчиси

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги

Бухоро вилояти таълим муассасаларида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишлаб олимлар, шоир ва ёзувчилар иштирокида учрашувлар, мушоиралар ўтказилмоқда.

Когон тумани маънавий хизмат касб-хунар коллежида бўлиб ўтган тадбир "Навоийнинг ижодий фаолиятида адолат ва инсонпарварлик гоёлари" деб номланди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Алишер Навоий миллий адабиётимиз равнақи, она тилимиз ривожига бекиб ҳисса қўшиш билан бирга, жаҳон маданияти тарихида ҳам алоҳида из қолдирган буюк шоир ва мутафаккир экани таъкидланди. Президентимиз таъбири билан айтганда, инсонни олам гултожи деб улуғлаган ҳазрат Навоийнинг бутун ҳаёти, ижоди замирида эзгулик, адолат, нафосат каби юксак туйғулар дунёни обод ва мунаввар қилади, башариятни маънавий ҳалокатдан қутқаради, деган катъий ишонч мужассамдир.

Алишер Навоий барча асарларида одамийлик, эзгулик, савобпарварлик, поклик ва адолат каби олижаноб фазилатларни қуйлади. Айниқса, "Ҳайрат ул-аброр" дostonида адолат гоёси ўзининг юксак бадий ифодасини топган.

— Улуғ шоир асарларида адолат тушунчаси ҳақ, ростлик, ҳақиқат, адл сўзлари билан ифодаланган, — дейди Когон тумани маънавий хизмат касб-хунар коллежи ўқитувчиси Гуландом Саидова. — Улар қонил инсонга хос муҳим фазилатлардир. Умуман, маънавий баркамол, аймон-этиқодли, ахлоқий пок шахс тарбияси тобора долзарб аҳамият касб этаётган бугунги кунда Алишер Навоий асарларига бот-бот мурожаат қилиш, уни хар кунни ўқиб, ўрганиш қундалик эҳтиёжга айланмоғи зарур.

Тадбирда буюк бобокалонимиз фазаларидан ўқилди, уларга бастанланган куй-қўшиқлар янгради. Ўқувчилар улуғ мутафаккир асарлари асосида тайёрлаган сахна кўринишларини намойиш этди.

Э.ЁДГОРОВ, ЎЗА мухбири

Эл-юрт ишончи

масъулиятни чуқур англашга ундайди

Муносабат

Тошкент вилояти ўзининг бой иқтисодий-ижтимоий салоҳияти, ноёб табиий ресурслари, инсоний салоҳияти, мўтадил об-хавоси ва ҳосилдор ерлари билан мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан сезиларли даражада ажралиб туради.

Пойтахт Тошкент билан ҳар жихатдан туташиб кетган бу вилоятда турли соҳа ва йўналишларни бугунги замонавий талаблар даражасида ривожлантириш, халқнинг моддий ва маънавий турмуш даражасини янада ошириш, тадбиркор ва ишбилармонлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш имкониятлари мавжуд. Улардан оқилона фойдаланиш, шубҳасиз, ўзининг ижобий самарасини беради.

Одамларни бир мақсад йўлида бирлаштириш, руҳлантириш, энг яхши тажриба ва тақлифларни қўллаб-қувватлаш, раҳбар кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишда қандай камчиликлар бор — маърузада шу ва бошқа саволлар ўртага қўйилиб, вилоятдаги реал аҳвол, эришилётган ютуқлар ҳам, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар ҳам чуқур таҳлил қилиб берилди.

Давлатимиз раҳбари қай бир жабҳада юзага келган муаммо ҳақида қуйиниб сўз юритар экан, бу муаммо биз — депутатларнинг ҳам диққат марказида бўлиши кераклигини чуқур англадик.

Хўш, катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Тошкент вилоятида бу муҳим ва масъулиятли вазифани бажаришнинг зарур шарт-шароитлари мавжудми? Вилоят аҳолисининг ҳаётини ҳар томонлама янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган замонавий дастурларни амалга ошириш учун ички имкониятларини ишга солиш, ҳориждан энг илгор технологияларни олиб келиб, йирик ва кичик саноат корхоналарини қайта жиҳозлашга, самарадорлигини оширишга нима тўқсинлик қилмоқда?

Хар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси таъминлашнинг назорат қилиш маҳаллий вакиллик органларида фаолият юритаётган депутатларнинг муҳим вазифаси саналади. Шу маънода вилоятдаги мавжуд 14 та туманининг етти тасида маҳаллий бюджет харажатлари субвенция, яъни, берилётган молиявий ёрдам ҳисобидан қопланаётгани, қайд этилган яна бир қатор ижтимоий-иқтисодий масалалар бу борада депутатлик назорати етарлича олиб борилмаганини ҳам кўрсатди, десак, хато бўлмайди. Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Паркент, Юқори Чирчиқ, Чиноз туманларида саноат ривожига, янги иш ўринларини яратиш масаласига бе-парволик билан қарагани, вилоят ҳудудидаги 20 та йирик саноат корхонасида ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетгани ҳақ таъинишларидир. Ваҳоланки, мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳар бир сиёсий партия, шу

жумладан, "Адолат" социал-демократик партияси ҳам бандлигини таъминлаш масаласида ўз олдига бир қатор вазифаларни белгилади. Бундай вазифаларнинг жойларда амалга ошириш катта масъулият билан ишлашни, ўзгаришларга мутаносиб равишда янги фикрлар, замон билан ҳамқадам бўлиш, локалликнинг барча кўри-нишларини баргараф этишни тақозо қилади.

Шу билан бирга, халқ ишониб сайлаган депутатлар ҳар бир жабҳада ривожланиш, ўсишга тўқсин тарзида пайдо бўлаётган муаммони ўз вақтида илғаб, уни келтириб чиқараётган сабабларни ўрганиб, ўз ваколатлари доирасида қатъий сазй-харақатга киришишлари зарур. Юртбошимизнинг олдинги одамларимиз, халқимиз ҳамма нарсани кузатиб туради, ён-атрофида юз бераётган воқеалардан хабардор бўлиб, ҳар қандай раҳбарнинг ҳам ишга, албатта, ўз баҳосини бериши мумкин, деган сўзларнинг мазмун-моҳияти халқнинг ишончли вакиллари ҳам тўла тааллуқлидир десак, янглишмаймиз.

Президентимиз нутқида аниқ кўрсатиб берилган вазифалар биз — депутатларнинг масъулиятини янада оширади. Шу босқич ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишчи замон талаблари асосида ташкил этиш, мавжуд имконият ва ресурслардан самарали фойдаланишда вилоят аҳли олдида турган долзарб вазифалар ижросида камарбаста бўлиш, мавжуд муаммоларга ҳамжихатликда ечим топиши мақсад қилдик. Бу борада фаолларимиз, партиянинг барча бўлимидаги ташкилотлари билан биргаликда амалга ошириладиган қатор чора-тадбирларни белгилаб олдик.

Зарифа ЭРАЛИЕВА, халқ депутати Тошкент вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси

Вилоят кенгашида

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят кенгашининг навбатдаги йиғилишида 2015 йил якунлари ва жорий йилда вилоят партия ташкилоти олдида турган муҳим вазифалар муҳокама этилди. Таъкидланганидек, вилоятда 11 минг нафарга яқин партиядошларимиз юртимизда амалга ошириладиган туб ислоҳотларда, дастурий гоё ва мақсадларимизни рўйбга чиқаришда иштирок этиб келишмоқда.



Йил якунлари: таҳлил, хулоса ва режалар

2015 йилда партия сафларининг кенгайтириш, қуйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш, тарбиёт ишларининг бир самараси сифатида уларнинг сонини ошириш борасида сезиларли натижаларга эришилди. Айтиш мумкин, сиёсий кучнинг муҳим таянчи бўлган бошланғич партия ташкилотларимиз 375 тани ташкил этмоқда.

"Адолат" СДПнинг қатор лойиҳалари асосида ҳамкор ташкилотлар иш-тирокида аҳолининг турли қатламлари ўртасида ўтказилган тадбирлар "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони. Адолат — ҳар бир инсон учун" тамойилини ижтимоий-сиёсий ҳаётга изчил рўйбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Жумладан, вилоятнинг барча шаҳар, туманларида "Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият", "Бизнинг мақсадимиз — адолатли фуқаролик жамияти", "Ижтимоий ва гуманитар соҳаларни янада демократлаштириш — аҳоли фаровонлигининг асоси", "Кексаларни эъзозлаш — муқаддас бурчимиз" каби йўналишларнинг ўзида жами 17 мингга яқин катнашчиларни қамраган учрашувлар, давра суҳбатлари ва семинарлар, жами 374 та тадбир олиб борилганини қайд этиш мумкин.

Фуқароларнинг сиёсий билимларини бойитиш, ёшлар, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ҳамда партиянинг маҳалла, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадида уюштирилган учрашувлар партия электорати ва фуқароларда кат-

та кизиқиш уйғотмоқда. Маҳаллий Кенгашларда фаолият юритаётган партия депутатларининг ташаббускорлиги ҳам ортмоқда.

Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари депутатлари йил давомида 250 та, жумладан, қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш тартибиде 11 та, фуқаролар мурожаатларини халқ эътиш тартибиде 239 та депутатлик сўровлари билан чиқаришган, — деди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Азиза Қурбонова. — Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида партия депутатлик гуруҳи тақлифи билан 13 мартаба мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари тингланган ҳамда сессия муҳокамасига ижтимоий-иқтисодий йўналишларда 9 та долзарб масала киритилиб, улар юзасидан қабул қилинган муҳим қарорлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласида, бу борада тараққиётга тўқсин бўлаётган жиддий камчилик ва муаммолар ҳар томонлама таҳлил қилинди. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий вакиллик органларида партиядан сайланган депутатларимиз, вилоят, шаҳар, туман ҳамда бошланғич партия ташкилотлари ўз олдида қанчалик долзарб ишлар турганини яққол англаган ҳолда муҳим вазифаларни белгилаб олдилар. Хар

бир ҳудудда ечимини қутаётган муаммоларни халқ эътиш, мавжуд имконият ва ресурслардан тараққиёт йўлида самарали фойдаланиш, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашга ҳисса қўшиш учун ҳар бир сафдошимиз фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиб ишлаши шарт.

Вилоят партия кенгашининг "Аёллар қаноти" ва "Еш адолатчилар" қаноти фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади. Шу билан бирга, бу борада халқ қиладиган ишларимиз кўп эканлигини айтиш жоиз. Шунингдек, йиғилишда партиянинг гоё ва мақсадларини аҳолига кенроқ тарғиб этишда ОАВлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилганлиги, бундай амалий ишларни изчил давом эттириши лозимлиги эътироф этилди.

Ўз-ўзини танқид руҳида ўтган йиғилишда партия ходимлари малакасини, нотиклик ва профессионал маҳоратини ошириш, қуйи ташкилотлар фаолиятини етук кадрлар билан таъминлашни яхшилаш масалаларига эътиборни кучайтириш ҳақида алоҳида сўз юритилди. Вилоят партия ташкилотининг жорий йилдаги фаолиятига доир вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилиш якунида йил давомида партиявий ишлар бўйича энг яхши кўрсаткичга эришган туман, шаҳар партия ташкилотлари тақдирланди.

Сарвиноз РЎЗИМУРОВА, Тошкент вилоят кенгаши матбуот қотиби

Истеъмолчилар ҳуқуқлари

депутатларнинг доимий назоратида

Депутатлик гуруҳларида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик қарточкаларидан фойдаланилган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Термиз шаҳрида олиб бориладиган ишлар халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи томонидан ўрганилди.

Депутатлик гуруҳининг мониторинг натижалари таҳлил этилган йиғилишда бу борада ечимини қутаётган долзарб муаммолар борлигини назарда тутиб, йиғилиш қарорига мувофиқ ушбу масала халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясида муҳокама этиш учун тақдим қилинган эди.

Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясида депутатлар Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик қарточкаларидан фойдаланилган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросининг таъминлаш масаласини атрофлича муҳокама қилдилар.

Таъкидландики, Президентимизнинг мазкур қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик қарточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, шаҳарда пластик қарточкаларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Термиз шаҳри бўйича муомалага чиқарилган банк пластик қарточкалари сони 2015 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига 195710 дондан иборат бўлиб, ушбу банк пластик қарточкаларига тезкор хизмат кўрсатиш учун шаҳардаги банк муассасалари томонидан 40 та инфокиоск ва 1960 та тўлов терминали ўрнатилган. Ўрнатилган тўлов терминалларининг 1903 таси (95,4 фоз) бевосита савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш нуқталарига тўғри келади.

Термиз шаҳар ҳокимлиги, шаҳар давлат солиқ инспекцияси ҳамда тижорат банклари томонидан ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланмаган объектларни терминаллар билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш мақсадида алоҳида графиклар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижросини ташкил этиш юзасидан тадбирлар амалга ошириладиган бўлса-да, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш нуқталари тўлов терминаллари билан тўлиқ таъминланмаганлиги нафақат истеъмолчилар учун муаммоларни пайдо қилади, балки нақд пулнинг банкдан ташқари айланишига ҳам сабаб бўлади.

Шаҳарда фаолият юритаётган, тўлов терминали билан жиҳозланган шарт бўлган савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш нуқталари сони 1995 та эканлиги эса қўшимча равишда яна тўлов терминаллари ўрнатилиши шарт эканлиги аниқланди.

Кизини муҳокамалардан сўнг халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши сессиясида қабул қилинган қарорга мувофиқ аниқ вазифалар белгиланди. Термиз шаҳар ҳокимлиги, мутасадди ташкилот ва бошқармалар ҳамда жамоат ташкилотлари, тижорат банклари раҳбарлигида пластик қарточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривож-

лантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ижросини назоратга олиш топширилди. Термиз шаҳар давлат солиқ инспекцияси, шаҳардаги тижорат банклари, мутасадди ташкилотларга савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатиш объектлари фаолиятини яна бир бор таҳлил қилиб, уларнинг тўлов терминаллари билан жиҳозланганлиги ва доимий ипчи ҳолатда бўлишини таъминлаш, тўловларни пластик қарточкалар орқали қабул қилишнинг асосис рад этиш ҳамда маҳсулотлар ва хизматлар нархини ошириш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган таъдир чоралар кўриш вазифаси юклатилди. Автомобилларга газ ва ёқилни қўйиш шохобчаларида, авиакасасаларда, озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари, жумладан, қурилиш материаллари, спиртли ичимликлар, омухта ем савдоси билан шуғулланувчи субъектларда, «Матбуот тарқатувчи» корхонасига қарап-ла матбуот дўконларида, «Paynet» шохобчаларидан ташқир нақд пул тушумларини катъий назоратга олиш ва уларга ўрнатилган тўлов тер-

миналларнинг доимий ишла-тилишини таъминлаш ҳамда терминаллар орқали суиистеъмолчилик ҳолатларига барҳам бериш бўйича топширик берилди. Аҳолига автотранспорт хизматини кўрсатувчи транспорт воситаларида тўловларнинг пластик қарточкалар орқали амалга оширилишига доир зарур чораларни белгилаш, худудларда тўлов терминаллари билан жиҳозланган асосий истеъмол товарлари (гўшт, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари) савдоси билан шуғулланувчи савдо шохобчалари сонини кўпайтириш, банк хизматларини кўрсатишда «Онлайн пластик қарточкалари»дан тўловларни қабул қилишдаги муаммоларнинг бартараф этилиши шарт эканлиги қайд қилинди. Пластик қарточкалар орқали тўловларни амалга оширишда устама ҳақ олдиниш ҳолатлари устидан назоратни кучайтириш ва конуний чоралар кўриш, тижорат банклари томонидан жойларда истеъмолчилар талабларига мувофиқ, терминаллар билан жиҳозланган даражасини кескин ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш белгиланди.

Шунингдек, давлат ҳокимияти фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида депутатларнинг партия гуруҳлари мутасадди нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда муҳокама этилган масала ва шу каби долзарб масалалар бўйича мониторинг ўтказиб бориши, мазкур сессия қарори юзасидан ишлаб чиқиладиган зарур чора-тадбирлар ижроси халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқилиши алоҳида қайд этилди.

Бекмурод АШУРОВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Термиз шаҳар Кенгаши раиси, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари

Янги таҳрирдаги кодекс

тўғридан-тўғри амал қилади

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Шунингдек, божхона органлари, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, мазкур соҳада фаолият юритаётган бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ мустаҳкамлаб қўйилди.

Ушбу ҳужжат божхона органлари керакли маълумотларни электрон усулда топшириш учун ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни назарда тутди. Бу ҳужжатлар алмашинуви, божхона тартиботларини соддаштириш, керакли ҳужжатларни тўплаш ва тақдим этиш билан боғлиқ харажатларни қисқартириш имконини беради. Масалан, божхона расмийлаштируви учун керакли ҳужжатлар, жумладан, божхона декларацияси электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

Янги ҳужжатнинг асосий мақсадларидан бири ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибини эркинлаштиришдир. Кодексда ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципини мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳужжатнинг алоҳида бўлими божхона органлари томонидан интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига бағишланганлиги ҳам аҳамиятлидир.

12 бўлим, 59 боб ва 412 моддадан иборат янги таҳрирдаги Божхона кодекси расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач, қуча кириши белгиланди. Маълумки, қонуности ҳужжатларининг сони ва доирасини қисқартириш, қонуналикнинг юқори сифатлилигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмларини яратиш "Адолат" СДП депутатлик корпуси олдида турган энг устувор вазифалардан. Шу босқичдан мазкур ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилгандан бошлаб то қабул қилингунга қадар фракциямиз ҳамда партияимизнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ва худудий ташкилотлари томонидан қонун лойиҳаси юзасидан 100 дан ортиқ давра суҳбатлари, жамоатчилик муҳокамалари ташкил этилди. Олинган тақлифлар фракциямиз йиғилишларида кенг муҳокама қилиниб, ипчи гуруҳига асосланган тақлифлар ҳавола қилинидики, пировардиде бу янги таҳрирдаги кодексда дастурий юларимизга мос қатор нормалар киритилганлигида ўз аксини топди.

Хусусан, мазкур ҳужжат тўғридан-тўғри амал қиладиган яхлит ҳужжатга айлантирилган, ўрнатилган норма ва қондаларнинг талқин қилиниши ва қўлланилишида бирхилликни таъминлайди. Шу билан бирга, мазкур кодексда алоҳида боб билан божхона ишда замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш, божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган ҳужжатлар электрон шаклда тақдим этилиши, божхона жараёнини "Бир дарча" тамойили асосида амалга оширишнинг янги механизми жорий этилишининг назарда тутилгани божхона расмийлаштируви жараёнида шаффофликни таъминлаш ва коррупциянинг олдини олишга хизмат қилиши Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сайловқийди дастуринда белгиланган устувор вазифалар билан ҳамбарчас боғлиқдир.



Умид СУЛАЙМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

# Qishloq Qurilish Bank

## Ишбилармонлик муҳити

### МОЛИЯВИЙ Қўллаб-қувватланмоқда

#### Молия муассасаларида

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини янада кучайтириш мақсади билан шарт-шароитлар яратишга қаратилган эътибор ўзининг ёрқин самарасини бермоқда. Тижорат банклари томонидан қўллаб-қувватланаётган бизнес лойиҳаларнинг амалга оширилиши кўпга янги иш ўринлари яратилишига, аҳоли даромадлари янада ошишига хизмат қилмоқда. Бозор ва дўконларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилаётган турли-туман сифатли маҳсулотларга тўлиб бориши билан бир қаторда экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам кун сайин ортиб бормоқда.

Тижорат банкларининг ходимлари олис ва чекка туманларда ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишни режалаштирган аҳоли ўртасида тегишли маслаҳатлар, тадбиркорлар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумотлар бериб бормоқдалар.

Ана шундай қулай ишбилармонлик муҳитини қўллаб-қувватлаётган молиявий муассасалар қаторида "Қишлоқ қуриш банк" акциядорлик-тижорат банкнинг ўрнини алоҳида кайд этиш лозим.

Бугунги кунда банкнинг 42 та филиали ва 232 дан ортиқ шохобчалари фаолиятини йўлга қўйилган бўлиб, улар орқали 592 мингдан ортиқ юридик ва jisмоний шахс маконидagi мижозларга кенг қўламли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

2015 йил якуни бўйича банкнинг соф активлари 4 241,3 миллиард сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 774,7 миллиард сўмга ёки 22,3 фоизга ўсиши таъминланди. Банк активлари таркибида даромад келтирувчи активларнинг улуши 88,1 фоизни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори талаблари ижросини таъминлаш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида банкдаги аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг депозитлари ҳажми 2015 йил якунида 862,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Банкнинг ликвидлик, ишончлик, тўловга қобилиятлик каби қатор асосий кўрсаткичларининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган сиёсати натижасида 2015 йил якунида банк умумий капитал 431,9 миллиард сўмни ташкил этди.

Банк томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобо-

ра муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ўринда алоҳида кайд этиб ўтиш керакки, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2015 йил 31 декабрь ҳолатига 581,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Банк филиаллари томонидан ҳисобот даврида аҳолининг фаол қисмини ўз бизнесини ташкил этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида 165,7 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.

Банк сармояларининг асосий қисми иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига, пиروардида ички бозорни таъминлаш, экспорт ҳажмининг ўсишига олиб келмоқда.

Банк томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятини кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадларига 2015 йил давомида 407,6 миллиард сўмдан ортиқ инвестиция кредитлари ажратилди.

Банк томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган дастурлар доирасида ҳам фаол иш ташкил қилинган. Жумладан, "Республика ҳудудларини 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури"га асосан 2015 йил давомида "Қишлоқ қуриш банк" томонидан хизмат кўрсатиб келинаётган корхоналарнинг жами 1 016 та лойиҳалари амалга оширилиши белгиланган бўлиб, 2015 йилнинг 31 декабрь ҳолатига жами 9 669 та янги иш ўринлари яратилгани назарда тутувчи 1016 та лойиҳага 122,9 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиши таъминланди.



## МИЖОЗЛАР ЭЪТИРОФИ

Азиз Исмоилов, Тошкент вилоятидаги "VITATEKS" МЧЖ раҳбари:

— Ҳозирги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларини қўллаб-қувватлаш ҳамда бу маҳсулотларни қайта ишлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди. Натижада бугунги кунда юртимиз бозорларида озиқ-овқат маҳсулотлари сероб, тўкин сочинлик ҳукм сурмоқда.

Бу борада тижорат банкларининг тадбиркорлар учун қулай бўлиб, омалашиб бораётган молиявий хизматлари алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Маълумки, ҳар бир тадбиркорлик муваффақиятининг асосий қисмини етарли даражада молиялаштириш ташкил этади. Кредит маблағларининг мавжудлиги қўнғина истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга кенг имкон яратди.

Бизнинг корхонамиз ҳам банк кредити ҳисобига фаолият бошлаб, фойда кўриб ишлаётган корхоналардан биридир. Биз энгил нуқта учун маҳсулотларнинг қуртилган турларини ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишни режалаштирган эдик. Бу ишни амалга ошириш учун каттагина маблағ керак эди, албатта. "Қишлоқ қуриш банк" АТБнинг кредитлаш тартиблари маъқул бўлгани учун биз ушбу банкнинг Тошкент вилояти минтақавий филиалига бизнес лойиҳамиз билан мурожаат қилдик. Қисқа муддат ичида корхонамизга ажратилган 343 070 АҚШ доллар миқдордаги кредит маблағларини энгил нуқта учун қуришга ёрмалар ҳамда нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи линиялар сотиб олишга йўналтирдик.

Лойиҳани амалга оширган миздан сўнг корхонамизда 8 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда корхонамизда 67 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Янги лойиҳа даромадимизни кўпайтиришга замин яратди.

Ҳақиқатан ҳам, банк инвестициялари иқтисодий ривожланишимизда катта туртки бўлди. Бу каби ишлаб чиқаришларни ташкил этиш натижасида аҳоли иш билан таъминланмоқда. Бундай хайрли саъй-ҳаракатларнинг натижалари эса оилаларнинг даромадлари ошиб бораётганлигидан намоён бўлмоқда. Ўз навбатида, бу ҳам банк кредитлари самарасининг яққол кўрсаткичидир.

Тадбиркор сифатида шунинг билан айта оламани, бизнесимиз "Қишлоқ қуриш банк" томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги оилаларимиз фаровонлиги ортиб боришида муҳим ўрин тутмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш учун барча шароитларнинг мавжудлигини кўрсатади.

Алишер Турсунов, Самарқанд вилоятидаги "Narpay Brick" МЧЖ раҳбари:

— Истиқбол йилларида мамлакатимизда қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш юқори суръатларда ривожланиб бормоқда. Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ўзимизнинг камтарона ҳиссамизни қўйиш мақсадида 2013 йилда "Narpay Brick" масбулоти чекланган жамиятини ташкил этидик ва иморат қурилишида энг керакли маҳсулот бўлган пишиқ гишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Давлатимиз томонидан биз каби тадбиркорларнинг қўллаб-қувватланиши ҳамда бизнес юритиш учун яратилаётган қулай шароитлардан руҳланган ҳолда, фаолиятимизни кенгайтиришни режалаштирдик ва янги бир лойиҳа ишлаб чиқдик. Бизнинг молиявий ҳамкоримиз бўлган "Қишлоқ қуриш банк" АТБнинг Самарқанд минтақавий филиали лойиҳамизни кўриб чиқиб, жамиятимизга 400,0 миллион сўм миқдорда кредит ажратиб берди. Ушбу кредитни гишт ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ҳомад ва техникаларга эҳтиёт қисмлар сотиб олишга йўналтирдик.

Ҳозирда корхонамиздаги мавжуд гишт ишлаб чиқариш техникаларини мукаммал солашимиз натижасида фаолиятимиз ривожланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига олиб бормоқдамиз. Бизнес режамизга асосан биз йилга 4-5 миллион дон пишиқ гишт ишлаб чиқаришни мўлжаллаганмиз.

Лойиҳамизни амалга оширишимиздан аввал корхонамизда 40 дан ортиқ ишчи меҳнат қиларди. Ишлаб чиқаришни кенгайтиришимиз сабабли янги лойиҳа бўйича 10 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Банк ахборот хизмати

#### Сарҳисоб

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида "Иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан барқарор ўсиши биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлган — аҳоли бандлигини таъминлаш, авваломбор, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлири битирувчиларини ишга joyлаштириш учун зарур шароитлар яратди", дея таъкидлаб ўтди.

## БАНДЛИК — фаровонлик асоси

Буни 1 726 921 нафар аҳолига, 699 197 нафар иш билан банд қилишга эга бўлган Хоразм вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. 2015 йилда вилоятда 60,6 мингта иш ўрни ташкил этилиб, шундан 87 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келди. Академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларининг 24,7 минг нафардан ортиқ битирувчиси ишга joyлаштирилди. Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари учун тижорат банклари томонидан 15,6 миллиард сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Бу олдинги йилга нисбатан 3,5 миллиард сўм кўп, демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан ўтган 3 йил давомида 308,5 миллион АҚШ доллар миқдордаги инвестиция маблағлари ўзлаштирилиши ҳисобига 432 та саноат корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Натижада 2015 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш янги ҳажми 2,4 триллион сўмга етказилиб, ушбу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 2,1 мартага ошди. Бугунги кунда вилоятда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг машинасозлик ва металллик қайта ишлаш соҳасига 31 фоиз, энгил саноат соҳасига 27,2 фоиз, озиқ-овқат саноати тармоғига 17,7 фоизи ва бошқа тармоқларга 16,6 фоизи тўғри

Ҳаётбек ҚўЧҚОРОВ,  
«Adolat» мухбири

## Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги индекси эълон қилинди

#### Эътироф

Американин The Economist Intelligence Unit таҳлил агентлиги томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги рейтингига 64-ўринни банд қилди. Таҳлилчилар томонидан дунёнинг 109 та давлатдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, хавфсизлиги, етарлиги ва оммавийлиги ўрганилиб, баҳолаб чиқилди.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон санаб ўтилган мезонлар ичида "етарлилик" бўйича энг кўп бал олган. Тадқиқотчилар маълумотларига кўра, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари шунчалик кўпки, ҳар бир фуқаро кунига 39 килокалориядан истеъмол қилиш мумкин. "Оммавийлик" мезони бўйича эса 58,5 балл тўплаб, 57-ўринни эгаллади.

Биринчи ўрин, ўтган йилдагидек, АҚШга насиб қилди. Кейинги ўринларда Сингапур, Ирландия, Австралия, Нидерландия, Швейцария, Канада ва Германия кайд этилди.

#### Шарҳ

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш жараёнида молия тизимининг энг муҳим ва мураккаб унсур бўлган молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва уларнинг бюджет тизимидаги тақсимланиши алоҳида ўрин эгаллайди. Молиявий ресурслар, аввало, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида юзага келади ва бу жараёнда қайта тақсимланиб, давлатнинг молиявий ресурсларини шакллантиради.

Давлат молиявий ресурслари мавжуд бўлишининг энг муҳим объект омиллари билан бири — бу давлатнинг ўз функцияларини амалга ошириш учун муайян миқдорда молиявий маблағларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқади. Давлат иҳтиёрига келиб тушадиган ва ижтимоий хизматлар учун сарфланадиган молиявий ресурслар асосан қуйидаги йўللар билан: солиқлар, боғжона ва давлат боғжори, мақсадли жамғармалар, хусусийлаштиришдан тушган маблағлар, ер ости табиий бойликларни реализациясидан тушган маблағлар ва бошқалардан шаклланади. Марказлашти-

рилган молиявий ресурслар асосан Давлат бюджетига муҳассаб бўлади. Давлат бюджети — молиявий тизимнинг асосий бўғини ҳисобланиб, ўзида даромадларни ва харажатларни мужассамлаштирган, давлат пул маблағларининг марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, ўзида молиявий ресурсларни акс эттиради ҳамда улар ҳаракати орқали ресурсларнинг ййилишига ва харажат қилинишига олиб келади. Давлат бюджетининг, шунингдек, бюджет тизимига кирувчи қатор даражадаги бюджетларнинг даромадлари қисми шаклланишининг муҳим молиявий ресурс манбаи си-

## Иқтисодий ресурсларни шакллантиришда солиқларнинг ўрни ва аҳамияти

фатидаги унсурлари — бу солиқлар ҳисобланади.

Маълумки, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосан Давлат бюджетни орқали амалга оширилиб борилади, бунда солиқлар алоҳида роль ўйнайди. Президентимизнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатини амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади, деган таъкид бундан кейин ҳам солиқларнинг муҳим молиявий ресурс сифатида амал қилишини тасдиқлайди.

Солиқларнинг молиявий ресурслар сифатидаги роли давлат иқтисодий сиёсати, хусусан, солиқ сиёсатининг мазмун-моҳиятига беvosита боғлиқ бўлади. Солиқ сиёсатининг охириги йиллардаги асосий натижаларидан

бири — бу айрим солиқларнинг камайитрилиши бўлди. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ юкнини энгиллаштириш, солиқка тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича ҳўжалик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшмича чоралар белгиланиши алоҳида ўринга эгадир. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимиздаги бир қатор солиқ ставкалари аҳамиятли даражада пасайитрилиб боришмоқда.

Бундай солиқ энгилликларини ййилга 130 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежаш ва уни корхоналар иҳтиёрида қолдириб, уларнинг ўз айланма маблағларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, шунингдек, аҳоли даромадларини 90 миллиард сўмдан кўпроқ ошириш имконини беради.

Амалга оширилган бюджет-солиқ сиёсати биринчидан, иқтисодиётнинг истиқболли соҳа ва тармоқларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимида муҳим фискал омиллardan бири бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, амалдаги фаол ижтимоий сиёсат ва кучли ижтимоий хизмоя тизимларини шакллантиришда Давлат бюджетига алоҳида вази-фалар юклатилган бўлиб, ушбу вази-фаларнинг самарали ижроси таъминланмоқда. Кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар нати-жасида давлат молиясининг барқарорлиги кузатилади.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, солиқлар давлатнинг асосий молиявий ресурсларидан бири бўлиб, мураккаб иқтисодий муносабатларни камраб олади. Солиқ сиёсатини та-комиллаштириш, солиқларнинг иқти-

содиётга рағбатлантирувчи таъсири-ни кучайтириш мақсадида солиқ ти-зимининг ишлаб чиқаришни ривож-лантиришга, моддий, табиий, молия-вий ва меҳнат ресурсларидан, тўплан-ган мол-мулкдан самарали фойдала-нишга рағбатлантирувчи таъсирини оширишга қаратилган ислохотлар ус-тувор аҳамияти касб этади. Корхона-лар зиммасидаги солиқ юкнини ка-майитириш, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкаларини пасайти-риш орқали иқтисодиётдаги соғлом муҳитни шакллантириш ва тадбир-корлик субъектларини фаолиятини яна-да joyлантириш таъминланади.

Азиза УМАРОВА,  
Тошкент молия институти "Молия"  
кафедраси катта ўқитувчиси,  
Дилмурод ЭРКИНОВ,  
магистрант



Хуқуқий масалалар

— Ишга кирганимга салкам беш ой бўлди. Оилавий шароитинг таътига чиқилишимни тақозо қилмоқда. Мен йиллик таътига қочишим мумкинми? Умуман олганда, меҳнат таътиллари қачон ва қандай тартибда берилди?

Насиба ЖҲРАЕВА, Сўх тумани

— Меҳнат кодексининг 134-моддасига биноан барча ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилди. Шунинг унутмаслик керакки, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлагандан кейин берилди. Аммо аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили олтидан еки ундан кейин, I ва II гуруҳ ногиронларига, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга, ўриндошлик асосида ишга таътил берилганларга — асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртида, кадрларнинг малакасини ошириши, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларнинг муаллимлари тартибига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар, ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилди.

— Маълумки, ҳозирда текширишларни рўйхатга олиш китобининг электрон шакли яратилиб, ишга туширилган. Унинг юриктик жиҳатидан асосий мақсад нима, биз тадбиркорлар учун қандай қулайликлар вужудга келади? Уни тўлдирганда нимааларга эътибор қаратиш керак?

З.Комилов, Учқўрғон тумани

— Мақсад — текширувчи органлар фаолиятида қонунийлик, ҳолислик ва ошкораликни таъминлаш, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ноқонуний равишда аралашувларга чек қўйишдир. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, тадбиркорлик фаолиятига оид масалалар юзасидан назорат қилувчи идоралар томонидан текширувлар бошлангандан олдин etk.minjust.uz саҳифасида жойлашган тизимга компьютер орқали кириш имконияти ҳам яратилган. Ушбу тизимдаги назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан тўлдирилмаган саҳифасида назорат қилувчи органнинг номи

сизнинг оилавий шароитингиз юқоридоғи қонуний шартлардан бирига мос келса, таътилга чиқилишингиз мумкин.

Мактаблар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртилари, кадрларнинг малакасини ошириши, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларнинг муаллимлари тартибига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар, ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилди.

Таътил ҳар йили, шу таътил берилмаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим. Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътил тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилниг ўн икки иш кунидан ортқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга йиллик таътилни, шунингдек, йиллик қўшимча таътилларни бермаслик тақиқланади. Ишлаган эркакларга йиллик таътил уларнинг ҳоҳишларига биноан хотинларнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилиши мумкин. Йиллик таътилларни бериш навбати касса уюшмаси қўлмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Бундан ташқари, ходимнинг аризага кўра унга иш ҳақи сақланган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортқ бўлмашлиги керак.

Саволга Фарғона вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Мўминжон УМАРОВ жавоб берди.

(тегишли рўйхатдан танланади), текширувчининг ФИШ, гувоҳномасининг рақами, агар текширишда аудитор корхонаси иштирок этганда, унинг номи, текширишни ўтказиш учун асос, текширишнинг тури, текшириш ўтказиш учун белгиланган муддатлар кўрсатилган бўлиши керак.

Тадбиркорлик субъекти томонидан тўлдирилмаган қисмида эса текширишни бошлаш ва тугатиш санаси ва вақти (агар текшириш узоқ вақт давом этаётган бўлса, ҳар қанчалик текширишнинг муддати ва вақти алоҳида кўрсатилади), талаб қилинган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилади. Текшириш якуниланган бўлса, ушбу ҳолат юзасидан тегишли бели қўйилади. Шунингдек, мазкур қисмдан текшириш жараёнида қўлланилган чоралар, тадбиркорлик субъекти раҳбарининг ўтказилган текшириш якуни бўйича муносабати ҳам акс эттирилади.

Саволга Наманган вилояти адлия бошқармаси Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта маслаҳатчиси Султонбек МАМАТОВ жавоб берди.

Нафс қулига айланганлар халқнинг нафратига учрайди

Мафқуравий иммунитет

Туғилиб ўсган гўша, она Ватан инсон учун энг мўтабар макон. Унинг қайноқ тафтини, қадрини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Шу боис уни асраб-авайлаш, тинч ва суддалиги, равнақи йўлида меҳнат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Юргимиздаги улкан ўзгаришлар, яратилмаётган имкониятлардан фойдаланган минглаб ватандошларимиз бунёдкорлик борасида жомбозлик кўрсатмоқда. Уларнинг меҳнати билан бунёд этилган иморатлардан кўз кўнмайдиган, замонавий талаблар даражасида тайёрланган маҳсулотлардан баҳраманд бўлар эканмиз, дилимизда шукроналик туямиз. Юргимизда тадбиркорликка қўл урган инсон борки, рўзғори бутланиб, меҳнатулаётганга яраша мулк эгаси бўлади. Бу дунёда ҳар бир киши фаровон турмуш кечирини истайди.

Бинобарин, хорижий мамлакатларга иш кидириб кетаётганларнинг ҳаммасини иқтисодий ноқорлик ундайти, деб бўлмайди. Чунки дунёдаги халқи бахтли мамлакатлар ўттизликка кирган юртимизда меҳнат қилишни истаган ҳар қандай инсон учун етарли шароитлар яратилган.

Нафс инсонни хамиша ҳалокат ёқасига етаклаган. Осон пул топиш, мўмай даромад ортириш замирида ҳам нафс қўтқуси ётади. Дарҳақиқат, мол-дунё ташвишга тушган инсонлар бандлик занжиридан бўйинларига тақиб, қўлларидан эса пулдан ясалган кишан билан ҳузур-ҳаловат топишни ўйлашади. У қалбларга шундай яра тоштирадими, унинг асло давоси йўқ. Энг ачинарлиси, мана шу молу дунёга қўл бўлишни ихтиёр қилиб, ўзга юртларда сарсон-саргардон бўлиб юрган инсонларнинг аксарияти ўз юртига ҳеч вақосиз ва ҳатто ярим жон ҳолатда қайтиб келмоқда. Ўзга юртларда мардикорлик қилаётганлар орасида ароқхўрлик, кумур ўйнаш, фоҳишабозлик каби иллатлар тобора одат тусига кириб бормоқда. Бу эса яхши ахлоқ ва тарбия кўриб ўсган мусулмон йигитларининг

ни шарҳлаб, халифаликка асосланган ислом давлатини барпо қилиш зарурлигини айтишди.

Шу тариқа мен ҳам уларнинг даъватларига қизиқадиган ва интернет орқали бўладиган мулоқотларини интизорлик билан кутадиган бўлдим. Ниҳоят, мен укам билан бирга яхши ҳолда қилишга тайёргарлик кўриш ва Сурияда бўлаётган куролли тўқнашуларда бевоинир дурди бедаво касалликларини юктириб олишига сабаб бўлмоқда.

Афсуски, ханузгача айрим инсонларнинг “хорижда осонлик билан мўмай пул топиш мумкин” деган ёлгон гапларига учиб, бутун ўзга юртларда сарсон саргардон бўлган ватандошларимиз пистирма кўйиб, пайт пойлаб ётган террорчилар домини илтимоқда. Шундай тоифалардан бири — ИШИД (Ироқ ва Шом ислом давлати) бўлиб, бу хатарли террорчи гуруҳнинг таркибидоғи жангариларнинг аксарияти четдан ёлланган нафс қулларидир.

Бу борада яқинда “Мовароуннахр” нашриёти томонидан чоп этилган “Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя” номли ўқув қўлланмада ана шундай алам-ли азобларин бошидан кечирган нафс қулларидан бўлган бир йигитнинг афеус-надоматлари қуйидагича келтирилган.

— “Қулларнинг бирида айтимлар каби мен ҳам “Чет элда ишлаб, осон пул топиш ва тез бойиш” фикрига тушиб қолдим. Шу мақсад билан Санкт-Петербург шаҳрига бордим. У ерда мени укам Шавкат кутиб олди. Ишга жойлашиб, оиламнинг моддий аҳволини яхшилашга иштиёқим кучли эди. Аммо у ердаги ҳаёт мен ўйлаганчалик осон эмас экан. Укам Шавкат ва теорофидоғилар аллаимандир режалантириб, тундан тонгача суҳбатлашиб, қундузлари эса уйқудан бош кўтаришмасди.

Шундай қулларнинг бирида телефонимга Нисо сурасининг 97-оятини ўқиб, деган хат келиб қолди. Хатнинг давомиди хижрат қилишга оид сўзлар ёзилган экан. Мен бу оят мазмунини укам Шавкатдан сўрадим. Укам ва унинг шериклари менга бу оятнинг мазмунини

ни шарҳлаб, халифаликка асосланган ислом давлатини барпо қилиш зарурлигини айтишди. Шу тариқа мен ҳам уларнинг даъватларига қизиқадиган ва интернет орқали бўладиган мулоқотларини интизорлик билан кутадиган бўлдим. Ниҳоят, мен укам билан бирга яхши ҳолда қилишга тайёргарлик кўриш ва Сурияда бўлаётган куролли тўқнашуларда бевоинир дурди бедаво касалликларини юктириб олишига сабаб бўлмоқда.

Мен бутун суднинг қора қурсисиди ўтириб, бир нарсани айтмасдим. Аслида мен зулмат оқимдан нур излабман, оёғим остида турган нури ва чароғон йўлни кўрмасдан охири йўқ, боши берк қўчага кириб қолганимни билмаган эканман.”

Сир эмаски, бутунги кунда баъзилар турмушда учрайдиган айрим синовларга сабр-тоқат қилолмағи юқоридоғи йигит сингари бузуғчи гуруҳларнинг алдовларига учиб, ўзини қурбон қилаётти.

Ислом дини таълимотида умр инсонга берилган энг улур нимани уудалай олар экан. Бахтни четдан излаб адашмаман! Бахт ўз юртингизда. Фақат уни асраш, эъзолаш, оиламиз, фарзандларимиз, халқимиз билан бирга ундан баҳраманд бўлишимиз керак.

Яқин қулларда барчамиз зангори экан орқали намойиш этилган “Қиёматга қолган қара” ҳужжатли фильмин кўрдик. Ўз

Умид ХОДЖАЕВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси мутахассиси

Жиноятга жазо мўқаррар

...Фарғонанинг Ўзбекистон туманида 1977 йилда туғилган Султон Ашуров (мақоладаги барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) вояга етганида бир пўрим йигит бўлди. Болалигидан ҳинд актёрларига ўхшаб кийингиси келарди. Худди кинолардагидек ёнбошлаб олиб, хаёлга чўмарди: ана, у икки қаватли ўйининг томига чиқиб осмонга бўйлаб хониш қиялпти. Ана, қўшниси Бакир амакининг қизи Моҳимга гул тутаяпти. Ана, у хаёлсираб узоқ-узоқларга термулаетти. Дунё унинг оёғи остида эди гўё...

Орадан йиллар ўтди. Унинг ҳиндча орзуларидан фақат биттасигина ушалди. Қўшни қиз Моҳимга ўйлади. Ола хуржун бўйинига тушди. Лекин оила боқиндек масъулият уни асло ташвишга солмади. Аввал қандай бўйи, беғам юрса, шундайлигича қолди. Орада фарзандли бўлди. Энди эси кириб, бўйини ишга ёр берар десак, хато ўйлабмиз. Сут билан кирган, жон билан чикар, деган хикмати бор халқнинг. Султон бир орда тайинли ишламади. Хаёлидаги осонгина иш ва мўмайгина даромад бор воқеликка ҳеч мос келмасди. “Тошкентга бораман, — кўнглидан ўтди бир кун. — У ерда пул топиш осон. Шаҳарликнинг ховлисини кетмон қўтариб икки марта айлансанг, бир даста пул тутаркан”. Кимлардандир эшитган эртақларига ўзининг хом хаёлларини кўшиб-чатиб, орзунинг саман отига миниб, пойтахт сари йўл олди.

Шаҳар инсон туйғуларини синовдан ўтказадиган жой. Хаёлпарастларни жини суймайди. Султон ҳам осмондан ерга тушди. Белига боелаб келган пулларини икки қундаёқ совориб бўлди. Сўраб-суриштириб ҳамқишлоқларини топди. Улар бошпана топишга қўмақлашди. Оғир меҳнатта ўрганмаган Султон ёланма ишчи сифатида меҳнат қилишга тутинди. Жўралари йида “дангаса” лақабини олса-да, пинанини буз-

мади. Қўпчилик билан қилинадиган иш бўлса, қурилишми, экни-тиқини ишларими рози бўлиб, хатто хурсанд бўлиб бораверди. Қўпчилик орасида имиллаб ишласа, билинмайдиди-да. У ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлаб кунини кеч қилар, ётоқхонага қайтганда эса каравотга ёнбошлаб олиб яна ширин ҳаёт ҳақида узундан узоқ хаёл сура бошларди. “Шу пул қурғур осмондан ёғилсаиди...” дея табассум билан ухлар қоларди.

Унинг унда-бунда орттирган пули ўзидан ортмасди. Ота-она, хотини ва фарзанди унга кўз тикиб ўтиришмагандир... Харқалай ҳеч ким ҳаётиндан нолимасди. Бир йил, икки, уч, тўрт йил ўтди. Шаҳар, шароит уни пшишди. У пайт ва вазиятни қўлдан бой бермайдиган, тили билан юрадиган кишига айналди. Осонгина пул топишнинг пайтини пойлади. Карангки, унинг “бахт”ига ё ётоғининг ёнгинасидаги хонага икки киши жойлашди. Уларнинг бири Хотамбой Мардиёв Тошкентта 2015 йилнинг 22 августиди ишлаш мақсадида келади. Таниши Нодир Шокосимов билан Султон яшаб турган ётоқхонадан бошпана оладилар. Бир-икки кунда Султон нон-чой бахонасида янги қўшнилари билан апок-чаноқ бўлиб олади. Гурунлардан бирида Хотамбойнинг бисотида 250.000 сўм пули борлиги, уни рюкзакда сақлаётгани ошкор бўлади.



Одам ҳам шу қадар содда бўладими? “Синалмаган отнинг сиртидан ўтма”, деган гап бор. Дуч келганга сир бой бериб қўйверадими инсон деган? Х.Мардиёв ҳам Султонни ўзи каби меҳнатқас мусофир санаб адашди. Анчадан бери қулай вақт пойлаб юрган Султон бу сафар “омад”ини қўлдан чиқармади. Қўшилари ишга кетиши билан ўғирликка тушди. Киноларда кўрган — ўғирлик саҳналарини бирма-бир хаёлидан ўтказди. Хонага киришдан аввал ичкарида одам бор-йўқлигига яна бир қарра амин бўлиши керак. У ойнадан мўралади. Ҳамма ёқ тинч. Ичкарида ҳеч ким кўринмайди. Бир-икки енгил қадам билан эшик ёнига борди. Хар эҳти-момла қарши тақиллатиб ҳам кўрди. Ўнгу сўлга аналанди. У ҳақиқий ҳаётни кино билан алмаштирибди, қўлга тушмас қароқчи родини ижро этаётгандек эди гўё. Қора терга ботди. Юрак уриши тезлашди. Шопа-

пиша эшикнинг қулфини бузиб, ичкарига кирди. Қани... қани пул? Мана! “Ха, кишлоқ, пулли ҳам “мана ол” дегандек дўпмайитриб беркитадими?” дея мийингада қулиб, ёстиқ тағидоғи рюкзакка қўл суқди. Пулли олди. Хонага бир назар ташлаб, чиқишга шошяиди. Яна биттари-яримта кўриб қолмасин...

Султон мушқудай эпчил ҳаракат билан хонасига кириб олди. Юрак уриши бутун хонада акс-садо бераётгандек эди. Хўп, энди пулли қаерга яширсин экан? Қийим-кечаклари орасигами? Оёқ қийимлари ичигами? Кўрпа қатигами? Хуллас, буни ҳам уdda қилди. Аммо хаёлпараст ўғрининг мянсияга яна бир фикр келди-ю, у хонасидан ўқдай отилиб чиқиб кетди.

Султон гўша-тўғри Хотамбойнинг иш жойига борди. “Жўрақон, хонангизда бегона юрипти. Нима, меҳмон кутаётганмидингиз?” деди айёрлик билан. Шу ерда ҳам унинг

киношинавандаллиги қўл келиб қолди. У нафасини ростлаб олган, сочларини силаб, мамнун юзини куёшга тутиб, хотиржамлик хайкалига айланган эди! Хотамбой оёғини қўлига олиб ётоқ томон юрди. Не кўз билан кўрсинки, “тишининг қавағида” асраб юрган 250.000 сўм пули ройиб бўлган. У бошини чағаллаб ўтириб қолади. Шаҳарга келганига бир hafta бўлмади, қимдан тумон қилсин? У ҳамхонаси Нодир ва Султонни қақириб, пулли олган-олмаганликларини сўрайди. “Йўқ” жавобини эшитгач, Яшнобод туман ички ишлар бўлимига хабар берди. Султон бир қалқиб тушди ўшанда. “Мендан шубҳа қилинмайди, ахир, ўзим бориб айтдим-ку хонада бегона юрипти, деб. Демак, мен гумондан холиман”.

Шу ерга келганда хаёлпараст ўғрининг бор-йўқ хом хаёллари адоғига етди. Сабоби ўз йшнинг усталари бўлиши Яшнобод туман ИИБ

киношинавандаллиги қўл келиб қолди. У нафасини ростлаб олган, сочларини силаб, мамнун юзини куёшга тутиб, хотиржамлик хайкалига айланган эди! Хотамбой оёғини қўлига олиб ётоқ томон юрди. Не кўз билан кўрсинки, “тишининг қавағида” асраб юрган 250.000 сўм пули ройиб бўлган. У бошини чағаллаб ўтириб қолади. Шаҳарга келганига бир hafta бўлмади, қимдан тумон қилсин? У ҳамхонаси Нодир ва Султонни қақириб, пулли олган-олмаганликларини сўрайди. “Йўқ” жавобини эшитгач, Яшнобод туман ички ишлар бўлимига хабар берди. Султон бир қалқиб тушди ўшанда. “Мендан шубҳа қилинмайди, ахир, ўзим бориб айтдим-ку хонада бегона юрипти, деб. Демак, мен гумондан холиман”.

Шу ерга келганда хаёлпараст ўғрининг бор-йўқ хом хаёллари адоғига етди. Сабоби ўз йшнинг усталари бўлиши Яшнобод туман ИИБ

# Бахт нималигини билмоқни

## дунё биздан ўргансин

### ➤ Тадбир

Ортимизда йўл инфратузилмасини такомиллаштириш, янги йўллар барпо этиш кенг кўламда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг муҳим йўналишларидан бири саналади. Бундай савий-харакатлар иқтисодиёт тараққиётига хизмат қилиши билан бирга аҳолига катта имконият ва қулайликлар яратмоқда.


### Ички йўллардан фойдаланишда масъуллик ортимоқда

Тошкент шаҳридаги "1-Чарх-Камолот" маҳалласида Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Ички йўлларни асраш" мавзусида тадбир ўтказилди.

Партия ходимлари, маҳалла фаоллари иштирок этган маъруза тадбирда таъкидланганидек, яратилаётган бундай беқиёс имкониятлардан оқилона фойдаланиш, йўлларни сақлаш, уларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳар биримизнинг маънавий бурчимиздир.

Чилонзор тумани партия кенгаши раиси М.Дехқонов партиянинг Сайловолди дастурида ҳам маҳаллалар ичидagi кўчаларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, мавжудларини модернизациялаш ва янги ижтимоий объектлар қуриш ишлари хусусида алоҳида қайд этилгани, ушбу вазифаларни рўйбега чиқариш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳақида сўз юритди.

— Бугунги кунда "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги қонун ижроси юзасидан партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган "Жамоатчилик назорати — қонун устуворлигининг гарови" лойиҳаси амалиётга изчил йўналтирилмоқда, — деди М.Дехқонов. — Партиянинг маъруза лойиҳаси ушбу йўналишдаги дастурий мақсадларимизни ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳаётга таъбиқ қилиш, бу борадаги фаоллигимизни янада кучайтириш, йўлларни асраш ва обод этишда яхши самаралар бераяпти.



Иштирокчилар ички йўлларни асраш-авайлашда жамоатчилик назоратини олиб бориш, маҳалла фаолларининг масъуллигини ошириш, аҳоли ўртасида йўллардан фойдаланишда доир қонун-қоидалар мазмунини тушунириш, партия ташкилотлари ва маҳаллалар ҳамкорлигини кучайтириш амалий аҳамият касб этишини таъкидлашларда иштирок этди.

**Зубайда ТҮЙЧИЕВА,**  
Чилонзор туманидаги "1-Чарх-Камолот" маҳалласи раиси

Reklama

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари, кичик бизнес субъектлари диққатига!**

### Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги танлов савдоси ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:  
**Фаргона вилояти, Фаргона шаҳри Темирийўл кўчасида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Фаргона бўлими учун 3 қаватли маъмурий бино қурилиши.**

Бошланғич нархи: **1 776 580 760 сўм ҚҚСсиз,**  
**2 131 896 908 сўм ҚҚС билан.**  
Муддати — **160 кун.**  
Бу юртимизда: **Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги.**

Манзил: Тошкент шаҳар Зулфияхоним кўчаси 3-уй, тел. (371) 241-72-01; 241-72-03; факс (371) 244-59-55.  
Қурилиш-монтаж ишлари: **Шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар куйидаги шартларга мос келишлари керак:  
Ўқаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағга (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк қасдолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:  
қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фаргона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:  
Фаргона шаҳри, ал-Фарғоний кўчаси 36-уй, телефон/факс: 0-373-244-68-90, 998-98-276-25-48

**Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг нархи — 100 000 сўм.**  
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб қуни ва вақтигача қабул қилинади.  
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин (қуни ва вақти хабарнома орқали маълум қилинади) Фаргона шаҳар ал-Фарғоний кўчаси 36-уй, манзилда ўтказилади.

### ➤ Маҳалла ҳаётдан

Маҳалладаги оддий ўзбек оиласи. Осмон қадар бағрикенг, дарё каби меҳри жўшқин, ҳаёт синовларида қадди тик, иймони пок.

Бу хулоса хароқиди Зоя Фёдоровна ва унинг онаси Екатерина Максимовнанинг хотирасида бир умр муҳрланиб қолган ҳақиқат.

Бундан етмиш бир йил муқаддам Иккинчи жаҳон урушининг вайроғарчиликларидан азият чекиб уйсиз, бошпанасиз қолган, отасидан ажралган Зоя ва унинг волидан мухтарамаси Самарқанддаги оддий ўзбек оиласи истикомат қиладиган маҳалладан паноҳ топишди. Бу ерда уларни бир дастурхон атрофида чорлашди. Топганларини бирга баҳам кўришди. Ўз фарзандларидек суяб ардоқлашди. Таълим-тарбия беришди, одамийлик сабоқларини ўргаттишди.

Шундан буён кўп сувлар оқиб ўтди. Ўзбек маҳалласида кадр топиб улғайган Зоя Фёдоровна бугун ҳам маҳаллани ўз кадрдон Ватани деб билади. Шу юртга садокат билан хизмат қилишни бир умрлик бурч, деб тушунади. Ўзбекона урф-одатларини миридан сиригача англаб олган, эшик олдида келган одамни очик юз, ширин сўз билан кутиб оладиган, унинг дардига малҳам бўладиган Зоя Зверева бугун маҳаллани бошқармоқда. Бировга она ўрнида она, бировга опа, бировга устоз, бир сўз билан айтганда, фидойи инсон сифатида умргузаронлик қилиб, олқиш олмақда. Асли Самарқанд шахрининг қок марказида, серкаторн Гагарин кўчасининг шундоқкина ёқасида жойлашган, исми жисмига монанд "Тинчлик" маҳалласи азим шаҳарга кўп хислат, фазилатлари билан ибрат бўлгудек маскан ҳисобланади. Бу ерда ўндан ортик йиллат вакиллари билан иборат 479 та оила ахил истикомат қилиб келмоқда. Маҳалладаги тўю маросимлар, хашар, ободончиликлардан ҳеч ким ўзини четга тортмайди. Ёшлар тарбиясига эса ҳаёт синовларини кўрган ҳар бир кекса масъул.



новларини кўрган ҳар бир кекса масъул.

Корейс Дмитрий Огай умр йўлдоши ва ўғли билан маҳаллада истикомат қилиб, тадбиркорлик ортидан фаровон турмуш кечирмоқда. Унинг тўйга таклиф қиладиган энг яқин одамлари — маҳалладошлари. Қийналганида суяб қўядиган, маслаҳат сўраганида, "лаббай", деб жавоб берадиганлар ҳам маҳалла одамлари.

Асли касби муҳандис-технолог бўлган Гарумян узок йиллар масъул лавозимларда ишлаб, халқ ташвишини чуқур илғаб олгани боис бугун ҳам кайсидир ҳаракатлари билан элга мададкор бўлай дейди.

77 ёшли украин Василий Кизил Михайлович ҳам маҳаллада яшаб кадр топган инсонлар-

фар фарзандни тарбиялаётган Шухрат Жалолiddинов, айникса, маҳалладошларидан, маҳалла оқсоқолларидан миннатдор. Кам таъминланган 13 та оиланинг ҳар бири байрам-фарғатларида, унинг турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим. Эътибор беринг: "Тинчлик" маҳалласида бутлур коллежни тамомлаган ўн икки нафар битирувчининг ҳаммаси ўз шаҳридаги саноат корхонасида ёки хизмат кўрсатиш, сервис шохобчаларида даромади иш билан таъминланган. Маҳалла-коллекторхона ҳамкорлиги бу ерда ёшларни иш билан банд қилишда, уларга зарур шароитлар яратиб беришда муҳим омили бўлмоқда. Маҳалла раиси Зоя Фёдоровна деярли ҳар битта корхона раҳбари билан ёки коллеж маъмурияти билан учрашиб суҳбатлашшидан вақтинини қизғинамайди. Иш ўринлари олдиндан муҳайё этиб қўйилишини назорат қилиб боради. Зарурат бўлганда депутатлар кўмағига таянади.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, клуб, интэрнет кафелар фаолиятини назорат қилишга ҳам маҳалла масъул. Шу боис "Тинчлик" маҳалласида балогатта етмаган ёшлар ўртасида жиноят билан боғлиқ бироқта ҳолат ички ишлар идорасида қайд этилмаган.

— Яқинда Самарқанддаги маҳаллаларга, уларнинг турмушига таъриф берилган китоб Японияда чоп этилганидан хабар топдим, — дейди "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зоя Зверева. — Улар бизнинг мустаҳкам илдизларимизни энди кашф қилишмоқда. Холбуки, биз шу илдизлар боис бугун Самарқанднинг азим чинорларидек виқор билан гулқираб ўсаймиз. Ҳаётнинг янги мақсад, орзулар билан назар соляимиз.

Ватанга садокатли қомил фарзандларни тарбиялашимиз.

Зоя Зверева маҳалланинг ўрни, энг аввало тарбияда, одамларни бирлаштиришда, ижтимоий муаммоларга биргаликда ечим топишда, деб ҳисоблайди. Маҳалла ҳаётига

Дориламон кунларда яшаймиз, — дейди маҳалла фаоли Лариса Қудиева. — Уйимизнинг ёнгинасида мева-сабзавотларга тўқин бозор, исталган нарсани харид қила оламиз. Фарзандларимиз мактаб, боғчага қийналмай бориб келишади. Маҳалладошларимиз бир-бирларига адоват билан эмас, илик табассум билан қараб саломлашишади. Бунинг маъноси маҳалланинг бағрикенглиги, инсонпарварлиги, ҳар бир оила учун чицакам Ватан бўла олганида.

Шундай Ватанда яшаб бахт нималигини билмоқни дунё биздан ўргансин!

**Зоҳир ТҮРАҚУЛОВ,**  
"Adolat" мухбири

## Ҳаёсизлик

### жазосиз қолмайди

### ➤ Божхона бекати

Миллатимизга хос тарбия, ибод ва ҳаёт ҳамиша энг улғувор фазилат, олий кўрк бўлиб келган. Шу боисдан ҳам ёшларимизнинг маънавий онгига мазкур хислатларни чуқур сингдириш, уларни беҳаё ва маънавиятимизга зид тушунчалардан асраш ҳамиша долзарб бўлиб келган.

Ахборот технологияларининг ҳаётимизга шиддат билан кириб келиши натижасида исталган ахборотни ҳеч қандай тўсиқларсиз қўлга киритиш имконияти ортиб бормоқда. Афсуски, мазкур қулайликдан жирканч максалларда фойдаланишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, беҳаё мазмундаги фото ва видео материалларни ўз қўл телефонларига юклаб, ташиб юрувчиларни ҳам ана шундай қимсалар сифатида қўйиш мумкин.

Беҳаё томошга мойиллик эса эҳсушини йиғиб олмаган айрим юртдошларимизнинг жавобгарликка тортилишига сабаб бўлмоқда. Бундай мазмундаги материалларнинг юртимиз ҳудудида олиб қилинишининг олдини олиш борасида республикамиз божхоначилари томонидан доимий чора-тадбирлар олиб қилинмоқда.

Жумладан, "Олот" чегара божхона комплекси орқали кириб келган юк автотранспортнинг хайдовчиси, эронлик Ж.Ҳолид (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) ўзининг уяли телефон аппарати хотирасида порнографик, хусусан, беҳаё мазмундаги 3651 дона фотосуратлар ва 45 дона

видеолавҳаларни Ўзбекистон Республикасида олиб қираётган пайтда тўхтатиб қолди.

Мазкур комплекс ходимлари туркманistonлик Ж.Исмаиловнинг ҳам қўл телефони хотирасида порнографик мазмундаги 18 дона фото ва 134 дона видеолавҳаларнинг олиб қилинишига чек қўйишди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Келес" темир йўл божхона пости ходимлари томонидан ҳам шу турдаги бир неча қонунбузарлик ҳолатларининг олди олинди.

Жумладан, "Челябинск — Тошкент" йўналишидаги поезд йўловчиси Б.Асизов қўл юклари орасидаги "Lenovo" номидаги ноутбук хотирасида 372 дона беҳаё мазмундаги суратларни яширин тарзда олиб киришга урингани фож этилди.

Худди шу йўналишда кириб келган поезднинг яна бир йўловчиси, россиялик С.Петровнинг мобил телефони хотирасида эса фахш тасвирланган 626 дона фото ва 14 дона видео материал борлиги аниқланди.

"Тошкент — Москва" йўловчи поезди билан юртимизга кириб келган сурхондарёлик А.Хидировнинг қўл юклари орасидаги 2 Т6 хотирага эга бўлган ташки хотира қурилмасида (винчестер) 121 та порнографик мазмундаги фотосуратлар ва видеороликлар борлиги маълум бўлди.

Хуқуқбузарлар орасида аёлларнинг ҳам борлиги ачинарли ҳолат. Жумладан, Андижон вилояти божхона бошқармасининг "Дўстлик" чегара божхона комплекси ходимлари томонидан Кирғизистон Республикасида кириб келган фуқаро А.Зуфаровнинг қўл юклари божхона назоратидан ўтказилганида, унга тегишли бўлган планшет

хотирасида 57 дона беҳаёликни тарғиб қилувчи видеолавҳалар борлиги аниқланди.

Андижон аэропортида эса божхоначилар "Москва — Андижон" йўналиши бўйича учиб келган фуқаро К.Шодиевага тегишли мобил телефони хотирасида иштирокида қўздан кечирилганида, телефон хотирасида беҳаёликни тарғиб этувчи видеороликлар жойланганлиги маълум бўлди.

"Тошкент-Аэро" иختисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан "Москва — Тошкент" рейси бўйича парвозини якунлаган Ф.Игоревнинг қўл юклари божхона кўригидан ўтказилганида, унда йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилинмаган 1 дона смартфон яширинча олиб ўтилаётганлиги аниқланди. Смартфон хотирасида иштирокида қўздан кечирилганда эса унинг хотирасида 109 дона беҳаё мазмундаги видеолавҳалар борлиги фож бўлди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари олиб қилинмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида порнографик материалларнинг олиб қилиниши тақиқланган.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз божхоначилари томонидан 2015 йил давомида аниқланган 226 та божхона қондабузарликлари ҳолатларида 6051 дона беҳаё мазмундаги материалларнинг олиб ўтилишига чек қўйилган.

**Давлат Божхона қўмитаси**  
**Ахборот хизмати**

Адолат тугини тугиб

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Ўз даврида султон хонлар, беку шахзодалар салтанат ягоналигидан кўра шахсий манфаатни қўлаб мавжуд қонунчиликка зид иш юритилганини кўрган Бобур бу ҳаракатларни қоралганлигига гувоҳ бўламиз. Унинг бу қарашлари "Бобурнома" ва бошқа айрим назмий асарларида ўз аксини топан.

Бобур «қонун» деган сўзни тилга олмасда, гап асосан ўша даврдаги қонунлар, тартиблар ҳақида боради ва буни ўқувчи англайди, тасаввур этади.

Айниқса, масала Амир Темур империясининг ягоналигини асраш, темирыйлар салтанати шаънини хиёнатсиз ҳимоя этиш, ўша давр ахлоқий мезонини бузмаслик ҳақида борар экан, биз буларни "Бобурнома" муаллифининг қонунчиликка муносабати тарафда қабул қиламиз.

1497-1498 йил воқеалари. Бобур отаси Умаршайх Мирзо вафотидан кейин 12 ёшида Андижон тахтига ўтиради. Уч-тўрт йил ўтар-ўтмас у тож-тахт курашларида анчагина кўзи пишган, давлат бошқарувида уқуви келиб, оқни қорандан айира бошлаган шахзодага айланади. Ҳатто, ана шу ёшида у темирый шахзодалар билан кураш олиб бориб Самарқандни эгаллаган, дўстлари катори фангилари Аҳмад Танбал ва Узун Ҳасан ҳам чин дилдан бўлмасда, уни тан олишган эди. Бобур ўша пайтда 15 ёшда бўлган. Биз "Бобурнома"даги бу хронологик парчани келтиришимизнинг сабаби, бу ҳолат муаллифининг қонунчиликка бўлган муносабати маъзани ташкил этади. Бунда гап асосан Амир Темур томонидан асос солинган юрт агоналиги «кодекси»нинг поймол этилганлиги ҳақида боради.

Бобур айнан ана шу қонунларнинг бузилишини надомат билан зикр этади, афсусланади. Бу ҳодисани Самарқанд шаҳрининг «тақдир» билан бирга оладиган бўлсак, қайси бир шахзода бу шахарни эгалламасин, биринчи навбатда, қонунларни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилган,

бу ўз навбатида, ҳукмдорларга нисбатан халқнинг ишончсизлигини юзага келтирган. Бобур буларнинг барчасида қонунга нисбатан эътиборсизликни адолат мезонларини бузиш деб талқин этади: "Абдуллағиф мирзодин сўнгра Шохрух мирзонинг набираси Иброҳим султон мирзонинг ўғли Абдулла мирзоким, Улуғбек мирзонинг кўёви эди, тахтка ўлтурди. Бир ярим-икки йилга ёвуққа подшоҳлик қилди. Андин сўнгра Султон Абу Саъид мирзо олди, ўз ҳаётида улур ўғли Султон Аҳмад мирзога бериб эди. Султон Абу Саъид мирзодин сўнгра Султон Аҳмад мирзо подшоҳлик қилди. Султон Абу Саъид мирзонинг фавтидин сўнгра Султон Махмуд мирзо Самарқанд тахтига ўлтурди. Султон Махмуд мирзодин сўнгра Бойсунқур мирзо подшоҳ қилди. Тархонларнинг фавгосида Бойсунқур мирзонинг тутуб, иниси Султон Али мирзони бир-икки кун ўлтурсуздилар. Яна Бойсунқур мирзо ўқ олди. Нечукким, бу тарихда мазкур бўлди. Бойсунқур мирзодин мен олдим, мундин сўнгра вақойида ўзга қайфиятлар маълум бўлусидур".

Агарчи, Бобур бунда Самарқанд тахтига ким-кимдан сўнгра ҳукм сурганлигини зикр этаётган бўлса-да, "Бобурнома"ни сиңичлаб муталаа қилган киши муаллифининг нақадар бағрикенглиги, саховатлиги, одамларга меҳр-шафқат назари билан қараганлигига гувоҳ бўлади. Самарқандни эгаллаган Бобур ёзади: "Самарқанд тахтига ўлтирган, Самарқанд бекларини бурунғидек ўқ риоят ва иноят қилдим. Бизнинг била бўлгон бекларни ҳам фароҳури холларига яраша тарбият ва шафқат қилдим". Султон Аҳмад Танбалнинг борасида риоят кўпрак воқиб

бўлди. Ички беклар чарғасида эди, улур беклар чарғасига риоят қилдим". Эътибор берсак ўша давр давлатчилигида Бобур хатто адолат юзасидан рақибларига ҳам муруват этиб (масалан, Аҳмад Танбалга) уларнинг мансабларини оширади, адолат тантанаси учун бундай тангликни ўзига раво кўради.

Бобурнинг ўсмир ёшида бўла туриб давлат тузиллиши, унинг бошқаруви ва сиёсий ҳолатини хар томонлама мулоҳазали таҳлил этганлиги диққатга лойик. Бунда Бобур салтанатни бошқаришда сиёсат ва унинг тартиб-қоидаларига жиддий риоя қилиш, адолатли ҳукм чиқариш лозимлигини, сиёсий инқироз пайтида номувофик қарорларга келиш давлатчилик қонунларини бузиш, адолатни поймол қилиш билан тенглигини алоҳида таъкидлаб, "Яна бир буқим, мундоқ маҳалдаким, эл қочиб ул вилоятка борди, таҳаккум тариқи била тамаъ қиладур, агар бурунрок бу сўз арода бўлса эди, филжумла ваҳжи бор эди аларнинг таҳаккуминики ким тортор бўлғай?", деб ёзади.

Бобур бу эътирозни темирыйлар салтанатида мулкни бўлиб бериш қонунини поймол этган, адолатни нуғутган амалиси Султон Махмудхонга нисбатан айтади. Самарқанд ҳокими Султон Абу-саиднинг ўғли бўлган бу шахс ҳақида Бобур саводли бўлса-да, илм аҳли қадрига етмаган, жоҳил шахс, деб маълумот беради. Бунда ҳам унинг салбий жиҳатлари қалқиб чиққан. У мулкчиларни қондасини бузган, муҳорабага ҳисса қўшмасдан "ўз улуси"ни сўраган, бу эса қонунга хилофки, Бобур бир неча далилларни келтириб, буни исботлайди: "Самарқандни олмақ доияси била неча йилким бажид черик тортар эдук, Султон Махмудхондин агарчи муътадил бир мадад ва қўмақ бўлмас эди, вале Самарқанд фатҳидан сўнгра Андижонни тамаъ қилур эди".

Султон Махмудхоннинг бу адолатсизлиги етмагандек ана бир гуруҳ мулкпарастлар, шахсий манфаат деб буюк империяни хомотлаш қилиш ниятида

бўлганларни ҳам Бобур қуйидаги фикрларида келтириб ўтади: "Бу фурсаттаким, аксари черик эли ва мўғуллар тамом қочиб Андижон, Ахсига бордилар, Узун Ҳасан ва Танбал ул вилоятларни Жаҳонгир мирзога тамаъ қилдилар".

Ўша даврдаги Мовароуннаҳр сиёсий фаолисида содир бўлган бундай адолатсизлик ҳолатлари Бобур тақдирини аянчли қунлар билан тўлдирган. Унинг яна бир иқрори заминда давлатчилик, юртни бошқаришда қонунларга риоя этмаслик энг юксак қарашларни, адолатни давлатчилик ишларида шиор этган Бобурнинг ўз интилишларига ҳам зарба бўлганлиги тилга олинади: "Андижонга бўла Самарқандни илқидин бердук. Андижон ҳам илқидин чикмиш эди. Бизга "рофил аз ин жо ронда ва аз он жо монда" дегандек бўлди. Бисёр шаққ ва душвор келди. Не учунким, то подшоҳ бўлур эрдим, бу навъ наварқини ва вилоятини айрилмайдур эрдим, то ўзумни билиб эрдим, бу йўсунлук ранж ва машаққатни билмайдур эрдим".

Бобур ана шу ҳолатда жуда кўп ранж ва машаққатларга учраб Оҳангарондан Қандир довоини орқали Ахсига боради. Лекин бу ерда ҳам у хоннинг қонунбузарлик хулқига дуч келади. Аҳмад Танбал кишилари хон ва унинг атрофидогиларнинг фитна сўзларига ишониб, улардан пора олгани боис, сарой тартиб-қондасини, мавжуд қонунларни бузади. Бу ҳам Бобурга берилган қатта зарба бўлади ва шундан сўнгра у надомат билан "бек ва бекотдин ва йингит яландин етти-саккиз юз киши тамам мендан айрилдилар", дейди. Бобур жамиятда пора ва ришва, тамағирликка асос бор экан, бу жамиятда ҳақиқатнинг барқарор бўлиши мумкин эмас, деган фикрга келади. Ушбу ноҳақликлар боис «манга бисёр душвор келди, беихтиёр йилвадим», дейди. У

яна Андижонга эга бўлиш ниятида "чун салтанат давдағаси ва мулкчилик доияси бор, бир қатла, икки қатла иш юрирмаган била қўмақ тилай, Тошкентга хон

қошига бордим", дейди. Бобурнинг бу интилувчанлиги, мақсад сари курашши бугун ҳам қатта ибрат мактабидир. Чунки киши ўз мақсадини амалга ошириш учун, нима оруз қилмасин, эзуликка хизмат қилса, олиғ мақсадга эришади.

"Бобурнома" — муаллифининг умр дафтари, армонлари китоби. Уни муталаа этиб кўп илмдан хабардор бўлишимиз катори, Бобурнинг инсоф, адолат тарафдори, тартиб, қонун, қоидага ўта риоя этувчи ҳукмдор, шахс сифатидаги хислатларини ҳам билиб оламиз. Айниқса, салтанатни бошқариш, давлатчилик қоида-қонунларига қаттиқ қўллик қилган Бобур бу тартибни бузган хар бир шахсга, ким бўлишдан қатъи назар, муросасиз муносабатда бўлган.

Бобур хатто фуқароларга нисбатан ҳам қонунчиликнинг барча тамойилларига риоя этган ҳолда адолат, имон юзасидан иш тутган. Бунга бир-икки мисол келтиралик. У Афғонистоннинг Нингхонори (бугунги Жалолобод вилоти)да бўлиб, бир жойга етганда амалиси Улуғбек Мирзодан қолган бир бог-хавлига кўзи тушади. Богнинг дид билан қурилганлиги, шинамлиги унга Мовароуннаҳр бог-хавлиларини эслатган бўлса, иккинчидан, темирыйларга мансуб кичкина маконга эғалик қилиш хисси уйғонади. Бобур юрт султони сифатида боғни темирыйларнинг мулки сифатида мусодара қилиб олиши қонунга хилоф эмаслигига қарамасдан, адолатни, инсофни қурол этиб унинг эғасига нархидан кўп ҳақ бериб, ризолигини олган, бу ҳам унинг шох бўла туриб мавжуд тартибни бузмаганлигини, давлат юртида адолатли иш тутганини кўрсатади.

Бобур ниҳоятда адолатпарвар инсон бўлган. Буни қуйидаги бир воқеа ҳам исботлайди. Қунлардан бирида бугунги Афғонистон ҳудудида наварқаридан бири дастлаб дуч келган йўловчининг ёғ, гуруч ва бошқа маҳсулотларини тортиб олмақчи бўлади. Бундан хабар топан Бобур нафақат йўловчига

мулкни қайтаради, балки барча лашкарнинг кўз ўнгида шу аскарини харбий интизом, тартибни бузганлиги учун қатл эттиради ва бу ишни харбий инзом бўйича адолатли ҳукм деб, таъкидлайди.

Шу ўринда яна бир мисолга эътибор берайлик. Бобур "Қалотга етганда қалин Хиндустан савдогариким, Қалотга савдо қилгани келган экандурлар, қоча олмадулар, черик эли алар устига-ўқ этиб борди. Аксар барин бўлдиларким, мундоқ ёвийлик маҳалда ёвий вилотиға келадурганин таламоқ керак, мен рози бўлмадим. Дедимким, савдогарининг не гуноҳи бор, мундоқ жузый-жузый фойдадин Тенгри ризосини арода кўруб кечсак, мунинг муқобаласида қулшй-қуллий фавоид Тенгри таоло рўян қилғусидур...", дейди. Бунда у шох сифатида адолатни устун қўяди, хар бир юртнинг ривожини савдо-сотиксиз амалга ошмаслигини, савдогарни талаш инсофдан эмаслигини қўл остидагиларга тушунтиради. Бу ўринда, албатта, Бобурнинг давлатни туттишда қонунни устувор қўйганлиги, адолатли шох бўлганлиги ва айни пайтда қонунларни ноўрин қўллашга қарши бошқаларни давлат этанлиги ҳам қўзғата ташланади.

Бу буюк аллома "Бобурнома"дан ташқари назмий асарларида ҳам адолатга риоя этиш, унга амал қилишга оид қимматли фикрлар билдирган. Биргина "Мубаййин" номли асарини оладиган бўлсак, унда шарият ҳукми, унинг аҳқомларига риоя этиш, адолатли бўлиш, шу билан бирга, инсон тарбиясига қаттиқ эътибор бериш ҳақида жуда қимматли фикрларни баён этган: *Берса маҳсилни муқаррар ер, Сен хирожини ҳам муқаррар бер...* *Ким адо қилмайин хирож еса, Молидин йўқ ҳалол мундоқ эса.*

Захириндин Мухаммад Бобурнинг адолат, қонунчиликка бўлган муносабати бугунги авлод учун ҳам мавжуд қонунлар устуворлигини таъминлаш, ҳаётда адолатни шиор этиб яшаш ва амал қилиш ҳиссини тарбиялашга хизмат қилади.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ, филология фанлари доктори, профессор, Халқаро Бобур муқофоти совриндори

ASAKA BANK
ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
«АСАКА» БАНК
2016 йил — «Соғлом она ва бола йили»
деб эълон қилиниши муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:
«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»
Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнгра берилади.
Шу билан биргалликда, «Асака» банк миллий валютада 27 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.
Филиаллар
Тошкент шаҳар филиали 371 120-83-13
Наманган вилоят филиали 369 227-15-68
Автотранспорт филиали 371 120-39-95
Навий вилоят филиали 436 770-21-29
Шайхонтохур филиали 371 140-39-36
Зарафшон филиали 436 572-40-14
Юнусобод филиали 371 221-80-67
Бухоро вилоят филиали 365 770-05-19
Сирғали филиали 371 257-44-10
Бухоро шаҳар филиали 365 770-11-27
Тошкент вилоят филиали 371 120-84-13
Самарқанд вилоят филиали 366 233-65-47
Андижон вилоят филиали 374 223-60-74
Афросиёб филиали 366 221-71-76
Асака филиали 374 233-21-99
Қашқадарё вилоят филиали 375 221-07-41
Фарҳод филиали 374 226-96-63
Сурхондарё вилоят филиали 376 770-82-12
Фарғона вилоят филиали 373 244-39-14
Қорақалпоғистон филиали 361 770-60-59
Марғилон филиали 373 237-62-23
Хоразм вилоят филиали 362 228-14-81
Олтиариқ филиали 373 432-19-80
Сирдарё вилоят филиали 367 225-44-03
Кўқон филиали 373 542-61-01
Жиззах вилоят филиали 372 226-43-11
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш жамғармаси томонидан қафолатланади.
Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ қафолатланади!
- эғалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!
«Асака» банк сармомиянғизинг сақланиши ва кўпайишини қафолатлайди!
www.asakabank.com

MIKROKREDITBANK
Fitch Ratings
халқаро рейтинг агентлиги
«МИКРОКРЕДИТБАНК»
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
халқаро рейтинг кўрсаткичини
«В»
«БАРҚАРОР»
деб тасдиқлади.
Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС: Бош муҳаррир: Ислоҳ ҚАМРОЕВ
Тахрир ҳайъати: Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гаъфар АЛИМОВА, Муҳаррам ДААҲОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ
Ташўлат МАТИБАЕВ, Рашид МАТҚУРБАНОВ, Талъат МУРОДОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ
Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ақборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Режама бўлими — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Дилором Матқаримова
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилади.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgiz.uz
«Шарқ» НМАК босмаҳонасида чоп этилади. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Өсет усулида босилган. Буюртма Ғ — 200. Адади — 11971. Босишга тошириш вақти — 23.55. Босишга тоширилади — 00.55. Баҳоси келишгани нарҳда
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2093-5237
1 2 3 4 5